

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 29-aprel • №18 (4105)

## КЎРСА КЎРГУДАЙ, СУЙСА СУЙГУДАЙ

### Бугун Термиз шаҳрида «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари бошланади

Бугун Термизга келган киши энг аввал Ал Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари зиёратгоҳига йўл олади. Шўро замонида бу ерга ҳеч ким қўйилмас эди. Сабаби бунда жаҳоний тарих бор. Тарихни тушунган одам Ватанни англайди. У пайтлар Ватан деганда собиқ иттифоқни тушуниш талаб қилинар эди. Мустақилликка эришгандан кейингина бу муқаддас гўшага бемалол зиёратга кела оладиган, Ватан деганда баралла Ўзбекистонни айта оладиган бўлдик.

Йигирма йил тарих олдида қисқа фурсат. Аммо бунда тарихларни ҳайратга солгулик маҳобат шоёнланди. Руҳ ва туғ самоланди. Қараб туриб, кўнглингизда шукроналик мавжланади. Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизий "Илм ал-нужум" китобида ёзади: "Ватан туғин улуғла, они зару олтунға сотма, они ўз бошингдин улуғ билгилки, тонгла маҳшарда Оллоҳ наздида бўлурсан... Ватан туғи ор-номус, поклик хилқати. Бу юрт ҳеч нимарсага алмашилмас... "

Улуғ боболарнинг руҳи мустақиллик боис қалбимизда, руҳимизда, Ватанимиз камолию жамолида. Бу асло муболаға эмас. Ҳар неки қиёсда аён кўринади. Шўро даврида Ал Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари мақбараси аскарлар машқ ўтказадиган жойга айланганди. Устунлар майишди, деворлар чўкди, нақшинлар қўпорилди, равоқлар тўкилди, минораю гумбазлар қулатилди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг улуғ бобомиз мақбараси осмоний маҳобат касб этди. Устунлар нақшинвор юксалди. Пештоқлар санъаткорона қайта таъмирланди. Гумбазлар яна мовийлашди, осмонланди. Азиз зиёратгоҳ ҳайратлик бир тарзда юксалди. Буюк бобомиз руҳлари ва шаънларига муносиб маҳобатлашди.

Боиси Президентимизнинг ҳар сафар Сурхондарёга келганда Термиз ота зиёратгоҳига ташриф буюриши бу жойнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб, уни обод қадамжога айлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Зиёратгоҳ қошидаги боғу гулзорни кўрсангиз. Термиз Термиз бўлиб ҳалигача бундай бўстону чаманни кўрмаган, дейсиз. Гулларнинг кўплигини! Гулларнинг хўплигини. Етти ранг нимадир... Етти минг рангда ёнаётган гулбаргу гулғунчаларни кўриб, ақлингиз шошади, туйғуларингиз ёлқинланади... Йигирма йил аввал бу ерларда чанг-тўзон учарди. Бугун оламнинг жами гуллари, чечаклари бу ерда юз очаётир, ифор сочаётир. Узукдаги кўздай дурланаётир, нурланаётир, нафислигу нажибликда рўй кўрсатаётир.

Юрбошимиз 22 апрел куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Сурхондарёга ташриф буюрганида ҳам сафарини Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Мажмуада амалга оширилган ишларни кўздан кечирар экан, бу ерда зиёратчилар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш, Сурхондарёнинг иссиқ иқлимига мос, манзарали дарахт кўчатларини кўпроқ экиш борасида тавсиялар берди.

— Бу муқаддас қадамжони зиёрат қилган ҳар бир киши руҳан покланади, — дея таъкидлади Президентимиз. — Бундай табаррук масканларга ёшларимизнинг зиёратларини тез-тез ташкил этиш лозим. Бу ердаги муҳит фарзандларимизни боболаримизга яқинлаштиришга, улар меросини асраб-авайлаб яшашга ва ўзидан кейинги авлодларга бекаму кўст етказишга интилиб яшаш туйғуларини тарбиялашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Давоми иккинчи саҳифада.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



Суратда: Амин ота Алимов невара лари билан. Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ХОЛИТ БОБО ЎГИТЛАРИ

**Истиқлол йиллари мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, бугун орамизда яшаётган уруш қатнашчилари ва ногиронларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 22 апрелда қабул қилинган фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Юртбошимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик уларнинг кўнглини янада кўтармоқда. Буни бу йил 90 ёшни қарши олиб, турмуш ўртоғи Маҳбуба опа билан пиру бадавлат ҳаёт кечираётган тошкентлик Холит бобо Олимжонов ҳаётида ҳам кўриш мумкин.

Холит Олимжонов Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, узоқ йиллар "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси тизимида меҳнат қилди. Отахон айни кунларда пойтахтимиздаги таълим, маданият, санъат муассасаларида ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб, ёшларга ўз ҳаётий тажрибаси ҳақида сўзлаб беришдан чарчамайди.

– Мамлакатимизда аҳоли, жумладан, ёшларнинг ўқиб-изланиши, спорт билан шуғулланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган замонавий шарт-шароитларга ҳавас қилса арзийди, – дейди Холит бобо. – Биз, уруш қатнашчилари давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлигини доимо ҳис қилиб яшаяпмиз. Ҳар йили юртимиздаги санаторийларда бепул дам олиб, соғлигимни мустаҳкамлайман. Замонавий шарт-шароитларга эга бу шифо масканларида кексаларга кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат-эҳтиромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Дастурхонимиздаги тўкинликни, шод-хуррам невараларимни кўрганимда, шундай дориломон кунларга етказгани учун чин дилдан шукроналар айтаман.

Холмурод САЛИМОВ

## ИСТИҚЛОЛ ОФТОБИДАН НУРАФШОН ЧАШМА

### Ифтихор

Истиқлол офтоби Нуротага бахт ато қилди, дейди нуроталиклар.

Уларнинг бу эътирофида зиғирча муболаға йўқ, аксинча, бу гапни улар ишонч ва ғурур билан айтадилар. Ғурур, ифтихорларининг боиси бор: бу қайта юз очган қадим Нур шаҳри, унинг марварид чашмаси, мусаффо ҳавоси, минг турли гиёҳ унадиган дашту тоғлари...

Ватан учун яшайлик!

Ҳаётбахш Нур чашмаси неча минг йилдирки, эъзозланиб келинади. Чашма теварагидаги тарихий-меъморий обидалар таркибида Нур қалъаси, "Преоста" мудафаа девори, XI аср ёдгорлиги "Чил устун" жомеси, XVI аср обидаси "Кўк гумбаз" масжиди, ўлкашунослик музейи, Шайх Абдулҳасан Нурий мақбараси, Нургулота қудуғи жойлашган. Бу муқаддас қадамжолар Истиқлол даврига келиб ўзининг асл қадр-қимматини топди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг катта бир қисмини Ислом маданияти ёдгорликлари, муқаддас масканлар ва зиёратгоҳларни тиклаш ва қайта қуриш ташкил этмоқда. Қадим ва азим шаҳарларимиз, қишлоқларимизда яратувчилик руҳининг устуворлиги нафақат юрт ободлигини таъмин этаётир, айни пайтда юртдошлар қалбида фахр-ифтихор туйғуларини ўстираётир. Зотан, ўз уйини, қишлоғини, шаҳрини обод кўрган кишининг кўнгли ҳам обод бўлади. Кўнгил ободлигидан ҳаётга файз, турмушга қут-барака инади.

Бугунга келиб ҳайратомуз кўрк ва маҳобат касб этган Чашма мажмуасининг асл қиёфаси тикланганида улуғ ҳикмат бор, дейди нуроталик мўйсафидлар. Бу ҳикматни англаш, ҳис этиш учун, мухтасар тарзда бўлса-да, Нуротанинг кўп қадим тарихи, собиқ шўро замонидаги қарамлик ва зулм етказган асоратларини тасаввур этиш лозим бўлади.

Давоми тўртинчи саҳифада.



## "ТОШКЕНТ БАҲОРИ" ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бундан тўрт йил муқаддам пойтахтимизда илк бор катта тантана билан ўтган "Тошкент баҳори" халқаро опера санъати фестивалида Россия, Италия, Испания, Украина, Болтиқбўйи республикалари ва Қозоғистондан келган опера ва балет солистлари Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри санъаткорлари билан биргаликда ўз маҳоратларини намойиш этгандилар. Бу тадбир фақат республикамизда эмас, чет элларда ҳам кенг доирада эътироф этилди.



Айни кунларда пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида "Тошкент баҳори" халқаро фестивали иккинчи марта бўлиб ўтмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир таъсисчилари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Алишер Навоий номидаги театрдир. Фестивални ташкил этишда юртимиздаги Италия, Беларусь, Украина, Россия, Болгария ва Озарбойжон элчихоналари катта ёрдам кўрсатдилар. "Бундай нуфузли фестивалнинг ўтказилиши — халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, давлатлар ўртасидаги ижодий алоқаларнинг кенгайишига, ўзаро маданий-маънавий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшади", — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев.

Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жованни Риччулли фестивал муносабати билан берган интервьюсида Алишер Навоий номидаги театр билан Италия элчихонаси ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига алоҳида тўхталди.

"Ўзбек мусиқа ихлосмандларига Италия бирлашган куннинг 150 йиллиги нишонланаётган айни дамларда тўртта италян операсининг тақдим этилиши ҳамкорлигимизнинг энг ёрқин самараларидан биридир", — деди у.

Пойтахтликлар ва юртимиз меҳмонлари 2 майга қадар Ж. Вердининг "Травиата", "Риголетто", Г.Доницеттининг "Лючия ди Ламмермур", Ж.Бизенинг "Кармен", Ж.Пуччинининг "Флория Тоска" каби опера дурдоналарини томоша қилишади. Тадбирнинг ёпилиш куни опера театрларининг етакчи солистлари иштирокида гала концерт намойиш этилади.

Опера спектаклларида Муяссар Раззоқова, Руслан Гафаров, Саида Мамадалиева, Аваз Ражабов, Ольга Александрова, Нормўмин Султонов, Неъмат Синҳабибий, Раҳим Мирзакамолов каби ўзбек опера усталари билан бирга Доменика Бриганти (Италия), Нико Исаков (Болгария), Николай Шуляк, Юлия Лисенко (Украина), Николай Бусиек (Молдова), Марина Шутова, Роман Муравицкий, Евгений Поликанин (Россия), Нина Шарубина, Сергей Франковский, Владимир Петров (Беларусь) каби чет эл опера юлдузлари қатнашадилар. Эдди де Надаи (Италия), Дилбар Абдураҳмонова, Сулаймон Шодмонов, Ялчин Адигезалов (Озарбойжон) каби моҳир санъаткорлар спектаклларга дирижёрлик қиладилар.

Жаҳон классикасининг энг машҳур намуналари бўлган юксак профессионал савиядаги опера спектакллари томошабинларда унутилмас таассурот қолдиришига, уларнинг ҳақиқий санъатдан лаззат олишларига ишонамиз.

Г.УМАРОВА


**БИЛДИРИШ**

4 май, чоршанба куни соат 10.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашининг 2010 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади. Адиблар, мунаққидлар ва барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

* * *

Шу йилнинг 4 май чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърият" тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар таклиф этилади.

*Манзил: "Ўзбекистон" кўчаси, 16 А уй, 6-қават. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*


## АДАБИЁТШУНОСЛАР КЕНГАШДИ

Адабий жараёнда танқиднинг фаоллиги ва таъсир кучи қандай? Чоп этилаётган адабий танқидий мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар савияси бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беради?..

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтган Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг 2010 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида ана шундай

Ёзувчилар уюшмасида

долзарб масалалар қизғин муҳокама қилинди. Йиғилишни кенгаш раиси Ҳамидулла Болтабоев қисқача кириш сўзи билан очди.

Асосий эътибор адабиётшунослик соҳасида ўтган йили амалга оширилган тадқиқотлар, чоп этилган китобларга ва адабий-бадиий нашрларда эълон қилинган мақолалар, тақризлар, адабий ўйлар — танқидчилик фаолиятига қаратилди. Биринчи масала бўйича филология фанлари доктори Нўъмон Раҳимжонов, адабий танқид фаолияти бўйича эса филология фанлари номзоди Қурдош Қаҳрамоновнинг маърузалари тингланди.

Маърузаларда адабий меросимиз таҳлилига, мумтоз адабиётимиз нашрлари савиясига, мумтоз шоир ва адибларимиз ҳаёти ва ижодини янги давр талаблари нуқтаи назаридан ўрганишга жиддий эътибор қаратилаётгани, шунингдек, айни пайтда матншунослик, адабиёт назариясини яратиш билан боғлиқ талайгина вазифалар кун тартибида тургани таъкидланди. Адабий танқидчиликнинг ҳам ўтган йилги самаралари мазкур соҳа мутахассислари фаолиятида жонланиш юз бераётганидан, турли жанрларда яратилаётган асарларга муносабат изчиллик касб этаётганидан далолатдир.

Маърузаларда кўтарилган масалалар бўйича таниқли адабиётшунос олимлар, мунаққидлар Ҳ.Абдусаматов, У.Норматов, Б.Назаров, И.Ғафуров, Й.Солижонов, О.Абдуллаев, Қ.Йўлдош, Ш.Ризаев ва бошқалар сўзга чиқишиб, бугунги танқидчилик ва адабиётшуносликнинг кун тартибида турган муаммолари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Эътироф

Глиэр номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейида нуфузли халқаро кўрик-танловларда биринчиликни қўлдан бермай келаётган кўплаб истеъдодли ўқувчилар таҳсил олади. Ана шундайлардан бири учинчи босқич ўқувчиси Ихтиёр

## ИХТИЁРНИНГ ЮТУҒИ

Абдунабиевдир. Устози Анвар Ҳожиназаровнинг меҳнати ва ўз изланишлари туфайли Ихтиёр "Янги авлод — 2005" фестивалида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йили "Русская песня в Узбекистане" фестивалида қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Шу йилнинг феврал ойида эса Санкт-Петербургда бўлиб ўтган "Окно в Европу" танловида қатнашиш имкониятига эга бўлди. Икки босқичда ўтказилган бу танловда И.Абдунабиев ўзбек композиторлари асарларини ижро этиб учинчи ўринни эгаллади. Бу нуфузли танловда эришилган ғалаба Ихтиёрга Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда ўқишга кириш имкониятини берди.

Умида РАЗЗОҚОВА

## "БОЛАЖОНЛАР-ШИРИНТОЙЛАР — 2011"

Республика Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Осиё рамзи" моделерлар ва дизайнерлар уюшмаси ҳамкорлигида "Болажонлар-ширинтойлар" миллий либослар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизнинг умидли дизайнерлари ва моделерлари ўз ижод намуналарини тақдим этишди. Фестивал давомида мавзуга доир илмий анжуман ва мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.



"Болажонлар-ширинтойлар" фестивали уч босқичда ташкил этилган бўлиб, унда "Битирув кечаси", "Эксперимент", "Мактаб формаси", "Миллий услуб", "Туморча" каби йўналиш ва номинациялар бўйича Турғуной Олимова, Нилуфар Юнусхўжаева, Динара Усмонова, Малика Сайфуллаева, Алена Шадрина, Исмоил Муродов, Диёра Ҳикматуллаева, Раҳматулла Шарипов, Ойбек Рисқиев ва Зиёда Абдуллаева ғолибликни қўлга киритди.

Алишер ЭРНАЗАРОВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Юртбошимиз сурхондарёлик фермерларнинг ишлари билан танишиб, улар билан суҳбатлашганидан сўнг Термизда барпо этилган "Сурхон" спорт мажмуини ҳам бориб кўрди. Бу ерда ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадиий гимнастика ва қўл тўпи заллари қурилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бугун бошланган «Баркамол авлод — 2011» республика спорт мусобақаларида ўн икки тур бўйича спорт беллашувлари ўтказилади. Шунинг учун ҳам мажмуада футбол ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган. Давлатимиз раҳбари бу ерда машқ қилаётган спортчи йигит-қизлар билан суҳбатлашар экан, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, интилишларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиши, ёшларимиз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканликларини чуқур ҳис этиб яшаши, бор билим ва тафаккурини, маҳорат ва истеъдодини Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга йўналтириши лозимлигини таъкидлади.

Бугун бутун мамлакатнинг нигоҳи Термизда. Шаҳар кўрку тароватга, улуғлигу гўзалликка бурканган. Боғлару хиёбонлар кўчаларнинг икки томони гулу гулзор. Термиз бугун қадимий ва навқирон Ўзбекистонимизнинг энг кўркам шаҳарларидан бири сифатида спорт байрами қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олишга шайланган, оролланган. Халқимиз қалбида ғурур ва ҳаяжон тўлқинланмоқда. Термиз улкан спорт байрами руҳи билан яшамоқда.

Юртбошимиз яқинда қуриб фойдаланишга топширилган «Бахт уйи» мажмуаси билан ҳам танишди. Термиз шаҳри бамисоли узугу, «Бахт уйи» унга зумрад кўздай ярашибди, дейсиз. Бўлажак келин-куёвлар учун барча қулайликлар яратилган. Мажмуа олдида буюк Алишер Навоий бобомизнинг муаззам ҳайкали қад ростлаб турибди. Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз ҳаётидаги энг бахтли воқеанинг ана шундай кўркам масканда ўтказилиши уларда унутилмас таассурот қолдиради, деди.

Мамлакатимиз жанубий сарҳадларидаги бу муаззам шаҳарда кўзни қувонтирадиган, эл фарзандларининг бахтли келажаги учун

## Ватан учун яшайлик!

хизмат қиладиган бундай янги бино ва иншоотлар кўп. Термизни навқирону муҳташам этгувчи ўн минг томошабинга мўлжалланган, жаҳон андозалари даражасидаги муҳташам уйингоҳ ҳам шундай иншоотилардан бири. У «Баркамол авлод — 2011» мусобақалари учун катта тухфа бўлди.

# КЎРСА КЎРГУДАЙ, СУЙСА СУЙГУДАЙ



Уйингоҳни Бухородаги 20-трест бунёдкорлари барпо этди. Бу ерда иккита спорт зали мавжуд. Уни тўртта прожектор ёритади. Футбол майдонидаги майсаларни қирққа яқин фавворалар обиҳаёт билан таъминлайди. Уйингоҳ атрофига минг тупдан ортиқ гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

* * *

Ватан мозий йўлларидан келади. Мустақиллик йилларида Ватанимиз дунёга юз очди. Ўзбекистонимиз Тонгини кўриб, дунё тонг қолди. Лол қолди. Оққан дарёлар оқмай қолармиди? Жаҳонга буюк зотларни берган юрт буюклик сари бораётир. Йигирма йилнинг бағрида юз йилликлар бўй кўрсатаётир. Сурхондарё дейилдими, кўз олдингизга XXI аср мўъжизаси келади. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли! Билмаган билмайди. Билган билади, бу мўъжизани! Халқимиз руҳиятига сингиб кетган қадриятларда, элимизнинг юрак-юрагида бир ҳикмат бор: йўл солмоқ! Йўл яратмоқ! Йўлни обод қилиш — энг улуғ савоб. Халқимиз донишманд. Чунки тарих кўрган: «Ипак йўли» дунёни қанчалар фаровон қилган. Энди бир ўйлаб кўринг, Ҳисор тоғ тизмалари устидан темир йўл ўтказишни. Йигирма йил олдин бу тушга ҳам кирмасди, ақл бовар қилмасди. Бу темир йўл Президентимиз заковатининг ифодаси бўлди. Бу йўл фақат Қашқадарёю Сурхондарё учунгина эмас, бутун мамлакатимиз учун, Марказий Осиё учун, ҳатто жаҳон миқёсида улкан аҳамиятга эга.

Усмон бобо Сувонов бугун саксонни қоралаб турибди. Темир йўл ўтган жойларда олтмиш-етмиш йил илгари қўй боққан.

— Энди мен бир гапни айтсам, — дея ҳайратланади Усмон бобо. — Мана шу ободлик, фаровонлик қаердан?! Мустақилликдан! Шундай кунларни кўраётганимга шукр қиламан. Элимизнинг манглайида қуёш бор экан. Бошимизга офтоб тегди. Мана шу темир йўлни қуриш осонми?! Мен денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда жойлашган қишлоқда муаллимлик қилганман. Шу жойдан темир йўл ўтди. Улуғ йўл бўлди, улуғ йўл! Тошкентга бориш учун азобнинг ичидан ўтардик. Йўл азоби, гўр азоби, дейди, а-а?! Энди, а-а, йўл роҳати, дил роҳати! Кун ботиш олдидан Қумқўрғондан поезднинг купейнисига ўтираман, тонг отар-отмас Тошкентдаман... Роҳатижон... Роҳатижон? Ҳар куни поезд. Тошкентни айланаман. Ўзгариб кетган. Тошкентдаги набираларим ҳамма жойни менга кўрсатишади. Томоша қилиб тўймайман. Халқимиз заҳматкаш... Президентимиз асл донишманд. Ватанимиз шунинг учун тинч ва обод.

Бойсунлик ўқитувчи Очил Тошқулов суҳбатимизга қўшилади.

— Тоғликларнинг бир гапи бор, биласиз-а: «Тошни ёриб чиққан одамлар» деган. Ўзингиз тушунасиз... Йигирма йил ичида Бойсун тамоман бошқа дунёга айланди. Темир йўл ишга тушиши билан Тўда кўмир конида брикет фабрикаси фойдаланишга топширилди. Қанча одам ишли бўлди. Темир йўл туфайли қанча вокзаллар, коллежлар, мактаблар, янги корхоналар қурилди. Хабарингиз бор-а, «Хонжиза» полиметалл руда кони иш бошлади. Конда минглаб одам ишлаяпти. Қолаверса, ҳали ўзлаштирилмаган қанча тоғ конлари мавжуд. Темир йўл боис Бойсун жаҳон тараққиётига қўшилди. Яна бир гапни айтай, авваллари қишлоқ хўжалиги учун ёнилғи мойлаш материалларини, менерал ўғитларни, қурилиш воситаларини келтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бошқа ҳудудларга етказиб беришда муаммо кўп эди. Темир йўл бошқанинг ҳовлисидан ўтарди-да... Энди эса янги йўл минглаб муаммоларни ҳал этди. Сурхондарё кун сайин, ой сайин тараққий этаяпти, ҳар қадамда бунёдкорлик. Янги уйлар, янги корхоналар, янги фабрикалар, янги иншоотлар, янги мактабу коллежлар, равон йўллар, обод гўшалар... Э-э, айтиб адоғига етолмайсиз. Элимизнинг юзида ёруғликни, шукроналикни кўрасиз. Бу мустақиллигимиз шарофати!

Истиқлол йилларида вилоятда 25 та мактаб, 115 та касб-ҳунар коллежи, беш та академик лицей янгидан бунёд этилди. Юзлаб километр ичимлик сув ва газ қувурлари тортилди. Йўлларимиз мукаммал даражада таъмирланмоқда. Мустақиллик қишлоқларнинг-да жамолини очди. Бўлар экан-ку, деб юборасиз. Ҳаяжонланасиз. Йигирма йил! Қишлоқлар қаддини кўтарди. Бўйи-бастини кўриб гоҳо шаҳарларнинг ҳаваси келаяпти. Қандай қилиб, дейсизми? Жуда оддий. Қишлоқда янги-янги мактабларнинг ҳашаматли, шинам, гўзал бинолари... Янги коллежлар! Ҳунар ва илм ўрганмоқ учун барча шароит муҳайё. Ҳайратлангулик-ҳайратлангулик. Икки-уч йилдирки, Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларида янги замонавий лойиҳадаги уй-жойлар барпо этилмоқда. Биринчи ғишти қўйилиб, беш-олти ой ўтмаёқ битган уйларни қишлоқ аҳли калитигача тайёр ҳолда қабул қилиб олаяпти. Бунда инсонга бўлган меҳр акс этаётир.

Термиз туманида яшовчи Нуриддин Боймуродов оиласи ҳам янги уйга кўчиб ўтди.

— Бахт ўзи нима, деб гоҳо мендан сўрашади, — дейди Нуриддин. — Мана бахт. Мустақиллигимиз берган, озодлигимиз берган бахт. Янги уй! Шаҳарликлар ёнидан ўтаверсин. Баъзан тушиммикан ҳам дейман. Оиламнинг қувончи дунёга сиғмайди. Бир инсоннинг бахти шунча бўлади-да. Ўзбекистонда дунёга келганимдан шукронам чексиз...

Сурхондарёнинг қайси туманига борманг, шундай бахтли инсонларга, шундай кўркам гўшаларга дуч келаверасиз. Айниқса, Термиз шаҳри. Шу кунларда унинг шодлигию ободлигига, таравотию нафосатига сўз топмоқ мушкул. Бўстон десангиз бўстон у, гулшан десангиз гулшан у, осмон десангиз мовий осмон у.

— Сурхондарёнинг қуёши, тупроғи, суви... бундай ерни дунёнинг ҳеч қаеридан тополмайсиз, — дейди машҳур шоиримиз Абдулла Орипов. — Нимаики, шу ерда кўкарса, дунёда кўкаради...

Термизга яқин-атрофда келдингизми?! Бир келинг-а! Оққан дарё оқаяпти. Шаҳар бугун кўрса кўргудай, суйса суйгудай, жону жаҳонингизни ғурурларга тўлдургудай. Дунё унга боқиб ҳаваcланаётир. Қатрада қуёш акс этганидай Сурхон юрти бўйи-бастида ҳам Ўзбекистонимизнинг қадди-камоли, жамоли мавжланаётир.

**Менгнор ОЛЛОМУРОД**

## Сўздан сўзнинг фарқи бор...

### "ЧЎПЧАК" — ХАС-ЧЎПМИ Ё?..

Тилимизда бу сўз топишмоқ, жумбоқ, эртак, ҳикоят маъноларини ифодалайди. "*Момом қизиқ чўпчакларни айтиб берарди*". Шунингдек, "чўпчак" баъзан "енгил-елпи гаплар", "хашаки гаплар", "ёлғон-яшиқ" каби маъноларни ҳам ифодалаб келади. "*Бу чўпчагингни бошқага айтасан*". Бу сўзнинг яна бир маъноси ёқиладиган майда қуруқ шох-шабба, хас-чўпни билдиради. *"Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юрийди"* (А.Қодирий). Шунинг учун ҳам бу сўз сиртдан қараганда, *"чўп"*, *"чўпча"* сўзларига яқиндай туюлади.

Мулоҳаза қилиш учун бошқа тахминларни ҳам кўриб чиқсак. Олтойда достонлар ва эртаклар "чцрчцк" ("чўрчўк"), деб аталади. Нима бўлганда ҳам, "чцрчцк" билан "чўпчак" тузилиши жиҳатидан бир-бирига яқин. Хакаслар тилида "чцпчи", деган сўз бўлиб, бу сўз "маслаҳатчи", деган маънони билдиради. Бу тилда "чцп" сўзи "маслаҳат", "кенгаш", "тавсия" маъноларини ифодалайди. Демак, "чўпчак" "маслаҳатча", "кичик маслаҳат" маъносини ифодалаши ҳам мумкин. Чунки эртаклар ўқувчига маслаҳат беради. Лекин худди шу тилда "эртак" сўзи "чцчек", деган сўз билан ифодаланади.

**Эшқобил ШУКУР**

## Илмий-амалий анжуман

23 апрел куни Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида "Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда таниқли олимлар Абдузуҳур Абдуазизов, Жамол Жалолов, Боқижон Тўхлиев, Абдимурод Маматов, Жамолиддин Ёқубов, Сотволди Раҳимов, Суюн Каримов, Хуррам Раҳимов маърузалари тингланди. Иштирокчилар таниқли таржимашунос, профессор Муҳаммаджон Холбековнинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳам гапиришиб, олимни олтмиш ёши билан қутлашди.

Шунингдек таниқли ижодкорлар "Гулистон" журнали бош муҳаррири Азим Суюн, "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири Улуғбек Ҳамдам, таржимонлардан Баҳодир Эрматов, Бегойим Холбекова бадиий таржиманинг бугунги долзарб масалалари ҳақида сўзладилар, бу соҳадаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

**Дилором ҲАЙДАРОВА,**
**Жиззах давлат педагогика институти талабаси**

## Томоша санъати байрами

Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида "Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлар" республика фестивали бўлиб ўтмоқда.

Байрам сайли тарзида ўтказилаётган ушбу фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ғолиб деб топилган миллий халқ ўйинлари, дорбозлар жамоалари, анъанавий цирк санъати гуруҳлари, қўғирчоқбозлар, қизиқчилар, лапар, ўлан, аския, оммавий ва якка рақс, катта ашула ижрочилари қатнашмоқда. Шуниси муҳимки, фестивалга ЮНЕСКО томонидан Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган жанрларнинг барчасидан иштирокчилар ташриф буюрган.

**Муҳайё ҚУДРАТОВА**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўтган йили Ўзбекистон давлат консерваториясида "Коммуз" жамоаси ташкил этилганди. Жамоани ташкил этишдан асосий мақсад ёш бастакорлар асарларини тарғиб этиш ҳамда ўзбек мусиқасини ривожлантиришга ҳисса қўшишдир. Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда, хусусан профессор Рустам Абдуллаев, доцент Ойдин Абдуллаева бошчилигида ёш талаба-композиторлар ўртасида танловлар, концертлар, илмий анжуманлар ўтказилди. Куни кеча мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Бастакорлар уюшмаси залида "Коммуз" жамоаси ёш талаба-композиторларнинг асарларини ижро этди. Ҳулкар Низомова, Азиз Назаров, Жамшид Норқўзиев, Гулруҳ Миршоҳидзода асарлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Наргиза СУЛТОНБОЕВА**

## ХОТИРА АНЖУМАНИ

Хотира ва қадрлаш куни яқинлашаяпти. Хотира инсон ҳаётида азиз, муқаддас. Умри давомида эзгу ишлар, яхшиликлар қилган, халққа, жамиятга фойдаси теккан одамлардан яхши хотира

### Яхшилар ёди

қолади. Қисқа яшаса ҳам мазмунли умри давомида ўз асарлари билан адабиётимизни бойитган, халқимиз кўнглидан чуқур жой олган ижодкорлар ҳам ана шундай яхши хотира ва қадрга муносибдирлар. Усмон Носир, Шавкат Раҳмон, Назар Шукур, Чори Аваз, Равшан Файз...

Адабиётимизнинг бепоён осмонида ёрқин из қолдирган шоирлардан бири Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфдир.

**О, ота маконим,**
**Онажон ўлкам,**
**Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.**
**Сендай меҳрибон йўқ,**
**Сенингдек кўркам,**
**Римни алишмасман**
**бедапоянгга.**

Ватан мавзуси баланд пардаларда тараннум этилган қўшиқлари билан Муҳаммад Юсуф шеърият мухлислари юрагида ёрқин хотира қолдирди.

Андижон вилояти Марҳамат туманида Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда шоир-ёзувчилар, олимлар, ўқувчи-ёшлар, қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар иштирок этди. Анжуман иштирокчилари шоирнинг қабрини зиёрат қилдилар, ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Хотира кечасида сўзга чиққанлар шоир ҳақидаги унутилмас хотираларни эсладилар, унинг дилга яқин, халқона шеърияти ҳақида фикр юритдилар. Ёш ижодкорлар шоир хотирасига бағишланган шеърларидан ўқидилар.

Шунингдек шоир хотирасига бағишлаб спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Санъаткорлар Муҳаммад Юсуф шеърлари асосида айтиладиган қўшиқлардан ижро этдилар.

**ХУРШИДА,**
**Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими масъул котиби**

# БОЛАЛАР СПОРТИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Биз оддий томошабинлар моҳир спортчиларни ғалаба минбарларида кашф этишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ спортчи шохсупада зафар гулчамбари билан бирга дунёга келмайди. Барча машҳур спортчиларнинг профессионал фаолияти жуда эрта, яъни болалик чоғларидан бошланиши маълум. Зеро, болаликда олинган билим тошга ўйилган нақшга ўхшайди. Айнан шу даврда шаклланган кўникмалар кейинчалик спортчилар фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши аллақачон исботини топган.

Бугун юртимизда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор замирида узоқни кўзлаган чуқур фалсафа бор. Агар профессионал спортни катта дарёга ўхшатиш мумкин бўлса, болалар спорти ана шу дарёнинг ирмоқларидир. Шу сабабли ҳам болалар спортини ривожлантирмай туриб, жаҳон майдонида катта натижаларга эришиш мушкул. Мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт тизимида асосий эътибор айнан болалар спортига қаратилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ҳар қандай ниҳол парваришга муҳтож бўлгани каби спорт оламига эндигина кириб келаётган болаларга ҳам эътибор зарур. Болаларни профессионал спортга йўналтиришда айниқса олимпия заҳиралари коллежларининг аҳамияти катта. Бу коллежлар зиммасига энг истеъдодли ва келажаги порлоқ болаларни танлаб олиш ҳамда уларни профессионал спортчи сифатида тарбиялашдек масъулиятли вазифа қўйилган.

Юртимизда самарали фаолият олиб бораётган бундай спорт ўқув юртлари қаторида Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи ҳам бор. Ўтган йиллар ичида коллеж ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. 2005 йили Чирчиқ шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод ўйинлари" мусобақалари муносабати билан ўқув юртининг моддий-техник базаси бутунлай янгиланди. Коллеж ихтиёрига Марказий Осиёдаги энг йирик — икки ярим минг кишилик универсал спорт манежи, иккита очиқ ва битта ёпиқ сув ҳавзаси, ўз бағрига ўн икки ярим минг мухлисни сиғдиришга қодир стадион топширилди. Бундан ташқари 300 кишилик шинам ётоқхона, 90 ўринга мўлжалланган кутубхона бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, Тошкент вилоятдаги саноатчилар шаҳрида жаҳон талабларига тўла жавоб берувчи янги замонавий спорт маскани пайдо бўлди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ўз мевасини бермай қолмади. Буни коллеж тарбияланувчилари эришаётган натижаларда ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир коллеж битирувчилари орасида Николай Ирошенко, Рустам Саидов, Алишер Раҳимов, Воҳид Сарсимбаев, Эрдос Жанибергенов, Наримон Отаев, Эгамназар Акбаров, Шерзод Юсупов, Сергей Барзов, Фарҳод Тўраев, Дилшод Чориев каби жаҳон биринчиликлари ва олимпияда ўйинларининг ғолиб-совриндорлари бор. Ўтган йили Сингапурда ўтказилган биринчи ёшлар олимпиадасида ҳам коллежнинг бир қанча ўқувчилари юртимиз байроғини шараф билан ҳимоя қилдилар.

Барча соҳалар каби спорт ҳам мунтазам равишда янгиланиш, ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Ер юзида икки юздан ортиқ мамлакатда олимпия спорт турларининг мавжудлигини ҳисобга олсак, бу ўзгаришлар кўлами қанчалар улкан эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Йилдан-йилга спортчиларни тайёрлаш услублари ўзгариб бормоқда, янги мураббийлик усуллари кашф этилмоқда. Масалан, миллионлар ўйини футболни олайлик. Илгари профессионал жамоаларга футболчилар тахминан йигирма тўрт, йигирма беш ёшдан қабул қилинар эди. Энди эса Англия, Италия каби мамлакатларда футболчилар ўн етти, ўн саккиз ёшдан бошлаб катта майдонга тушяпти. Хусусан, бизда ҳам "Пахтакор", "Машъал" каби футбол жамоалари қошида академиялар ташкил этилган бўлиб, улар бевосита клубга ёш иқтидорларни жалб этиш билан шуғулланади.



Замонавий спорт жараёнлари Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи маъмурияти эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Мураббийлар малакасини ошириш, ўқув тизимини халқаро стандартлар даражасида такомиллаштириш борасида мунтазам изланишлар олиб бориляпти. Бу ҳақда ўқитувчи Муяссар Тўраева шундай деди: "Республикамиз ва хориждаги бир қанча ўқув юртлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қиляпмиз. Коллежимизда мунтазам равишда семинарлар, спорт турлари бўйича маҳорат соатлари ўтказилади. Бироқ фақатгина чет эл тажрибасини ўрганиш билан муаммо ўз ечимини топмайди. Шу сабабли кейинги йилларда ёш, истеъдодли мураббийларни жалб этиш билан бирга, уларни ўзимизда тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада асосий эътибор устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришга қаратилган. Шундай мураббийларимиз орасида "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби Рустам Саидов, "Шуҳрат" медали совриндори Мирали Шарипов каби коллежимизни тамомлаган машҳур спортчиларни кўрсатиш мумкин. Бугун улар болаларга спорт сирларини ўргатишда куч-ғайратларини аяётгани йўқ."

Коллежнинг дзюдо бўлими фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Сабаби, коллеж қўлга киритган ютуқларнинг салмоқли қисми айнан шу бўлим тарбияланувчиларига тегишли. Сўнгги йилларда қайд этилаётган юқори натижаларни ҳисобга олган ҳолда Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг "Лондон — 2012" олимпиада мусобақасига тайёргарлик кўриш маркази сифатида танланди. Узоқ йиллардан бери дзюдо бўлимида фаолият юритиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сервер Муродасилов бу ҳақда шундай деди: "Очиғини айтсам "Лондон — 2012" олимпиада мусобақасига тайёргарлик кўриш маркази сифатида айнан бизнинг коллежимиз танланиши мени ҳайратга солгани йўқ. Дзюдочиларимиз азалдан республикада энг кучлилардан ҳисобланади. Ўтган йиллар ичида коллежимизда ўзига хос дзюдо мактабини шакллантиришга муваффақ бўлдик. Машғулот жараёнида имкони борича замонавий педагогик услублардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Коллежимизда дзюдочилар тарбиялаш тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, биз фақат жисмоний машқлар билан чекланиб қолмай, болаларга дзюдо спортининг назарий билимларини ҳам ўргатамиз. Дзюдо тарихи, унинг ривожланиш тенденцияларига бағишланган махсус дарсларимиз бор. Айниқса, мултимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш самарали натижа беряпти. Машғулотларга хорижлик мутахассисларни жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Дзюдо бўлимининг кўплаб тарбияланувчилари ҳар йили республика ва халқаро миқиёсда ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлишади. Бугунги кунда миллий терма жамоамиз таркибида бир қанча шогирдларимиз борлигини фахр билан айта оламан".

Бугун коллеж фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга ошириляпти. Илгари коллеж асосан якка кураш турлари бўйича ихтисослашган бўлса, кейинги вақтларда жамоавий спорт турлари ривожига жиддий эътибор бериляпти. Шу муносабат билан коллежда аёллар волейбол жамоаси тузилди. Жамоа қисқа муддатда нуфузли турнирларда совринли ўринларни қўлга киритишга улгурди. 2010 йилдан бадиий гимнастика бўлими ўз фаолиятини бошлади.

Иқтидорли ёш болаларни имкони борича эртароқ спортга жалб этиш мақсадида коллеж тузилмасида умумтаълим бўғини ташкил этилган бўлиб, унга 7-синфдан бошлаб ўқувчилар қабул қилиш йўлга қўйилган. Бу таълим тизими, болаларни ёшлик чоғиданоқ чиниқтириб, уларда фундаментал спорт кўникмаларини шакллантиришга имкон беряпти. Бу бўғинни битирган болалар кейинчалик коллежда таҳсилни давом эттириш учун маълум имтиёзларга эга бўлишади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, умумтаълим бўғиннинг бир қанча тарбияланувчилари халқаро миқёсдаги мусобақаларда ўзларини кўрсатишга улгуришди. Сингапурда ўтказилган ёшлар ўртасидаги олимпия ўйинларида А.Расулов таэквандонинг АИФ йўналишида бешинчи ўринни эгалаган бўлса, А.Жўраев ўсмирлар ўртасида Иорданияда ўтказилган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида учинчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, М.Дадахонова, Д.Иброҳимова, Т.Қаҳҳоров, Р.Субхонов, Д.Розиев, Э.Мамадалиев каби республика чемпионати ғолиблари шу бўлимда таълим олишяпти.

Коллеж талабалари Термиз шаҳрида бугун бошланган "Баркамол авлод – 2011" спорт мусобақаларига ҳам катта тараддуд кўришди. Асосий мақсад спорт байрамида муваффақиятли иштирок этиш. Шунингдек, жаҳон ва Осиё биринчиликларида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик бошлаб юборилган. Албатта коллеж ўқувчилари эришаётган натижалар кишига фахр ва ифтихор бағишлайди. Лекин ҳақиқий ғалабалар, жаҳон рекордлари ҳали олдинда. Яратилаётган шароитлар эса ана шу мақсадга эришиш йўлида асос пойдевор вазифасини ўташи лозим.

**Азиз ИМОМОВ**

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

# ТЎҒРИ МАТН ЯРАТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Матншунослик ва мумтоз адабиёт ўзаро бири иккинчисини тақозо қиладиган, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган соҳалардир. Матншунослик айни пайтда тўғри матн яратиш учун ҳам асос бўладиган соҳа. Бу соҳада мактаб яратган олимларнинг меҳнатлари, тажрибалари бугунги кунда қўл келмоқда. Уларнинг мактаблари насиҳатгўйлик ёки матндан фақат хато излашдан иборат эмас, балки устозларнинг тайёрлаган матнлари, таянган принциплари матншуносликни шакллантирди. Мактаб катта қалб, чуқур билим, илмга муҳаббат, қолаверса, илмий маданият орқали яратилади. Бир мисол. Рус адабиёти тарихида рус йилномалари матнлари бўйича С.Шамбинаго, И.Тихомиров каби олимлар тадқиқотлар яратган. Аммо бу матнлар юзасидан иш шу билан тўхтамаган. Бу йўналишда машҳур матншунос А.Шахматов ҳам иш олиб борди. У матндаги хатоларга эътибор қаратар экан, устозлар билан зиддиятга киришмади, балки тадқиқот усулини ўзгартирди: аввал матнни тадқиқ этиб, кейин нашр қилди. Ниҳоятда ибратли усул! Муайян бир давр адабий ёдгорлигининг мазмун-моҳияти унинг ким томонидан нашрга тайёрлангани билан ўлчанмайди, балки адабиёт тарихида тутган ўрни билан ўлчанади, қолаверса, матннинг яшаши, авлодлардан авлодларга ўтиши ҳам матншунос яратган матннинг савияси билан белгиланади.

Адабий ёдгорликлар билан авлодларни боғлаб турадиган, матннинг қандай савияда бажарилганини кўрсатадиган бир омил — мажмуалардир. Мажмуа бадиий асарлардан муҳим парчаларни олиб, бир китобга жамлашдангина иборат эмас, айни пайтда у тузувчининг диди, асарга муносабати ва матннинг қанчалик қимматли эканига эътибор қаратишни тақозо этади. Мажмуалар ана шундай пухта нашрлардан парчалар танлаб, яратилади.

Биз мумтоз адабиёт асарлари матнини яратиш муаммоси тўғрисида сўз юритар эканмиз, матншуносликда шу кунгача давом этиб келаётган мажмуалар ва уларнинг яратилиш принципларига эътиборни қаратмоқчимиз. Ўзбек адабиётида мажмуа яратишнинг ўзига хос анъаналари бор. Абдурауф Фитрат, Олим Шарафиддинов, Ҳоди Зариф ва бошқа олимлар тузган мажмуалар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Матн танлашда дид, изчиллик ва мантиқийлик улар яратган мажмуаларнинг умрбоқийлигини таъминлади. Биргина Фитрат домланинг «Энг эски турк адабиёти намуналари»(Тошкент, «Мумтоз сўз», 2008; нашрга тайёрловчи: Орзигул Ҳамроева) мажмуасига назар ташлаш кифоя. Фитрат «Девону луғотит турк»даги тўртликларга муайян мантиқий изчилликда тартиб бериб, Алп Эр Тўнга марсиясини тиклади, тўртликларни луғат ва изоҳлар билан таъминлади. Мажмуа XI аср ва ундан олдинги давр адабиёти тўғрисида тасаввур ҳосил қилишда ўз вазифасини бажарди. Бу ва бу сингари мажмуалар адабиёт тарихи учун ишончли манба вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Мумтоз адабиёт тарихи мажмуалари янгиланиб боришни тақозо этади. Янги манбалар китобхон ихтиёрига ҳавола қилингандагина мумтоз адабиёт ўз вазифасини бажарган бўлади. Улуғ устозлар анъаналарини қўлдан келганча давом эттирган ҳолда, биз томонимиздан «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» (Тошкент, "Фан", I жилд, 2003, 2005; II жилд, 2007) чоп қилинди. Албатта, олдинги мажмуаларни айнан такрорламаган ҳолда. Зотан, эски мажмуалар ўз вазифасини бажарди. Биз тайёрлаган мажмуаларга, биринчидан, илгари ўзбек тилида чоп этилмаган янги матнлар бошқа тиллардан таржима қилиниб киритилди ва

## Матншунослик муаммолари

ўзбек адабиётининг мулкига айлантирилди, иккинчидан, имкон қадар матнлар(масалан, айрим нома, мунозара жанрларига оид матнлар) фотонусхасидан фойдаланилиб, айрим тузатишлар қилинди; учинчидан, XIV асргача бўлган оғзаки ва ёзма манбалар олий ўқув юртлари учун мўлжалланиб, қўлланма вазифасини бажариши назарда тутилган ҳолда тузилди.

Мажмуалар қандай принципларга кўра тузилади, қандай матнлар олинадию, қайси бири олинмайди, деган саволлар туғилиши табиий. Мажмуа тузишнинг ўзига хос принциплари бор. Биринчидан, матнларни қиёслаш ва саралаш талаб этилади. Бу принципга Фитратнинг юқорида биз айтиб ўтган мажмуаси энг яхши мисол бўла олади. Турк олими Кўпрулизоданинг «Девону луғотит турк» юзасидан олиб борган кузатишларига Фитрат ҳар бир тўртлик юзасидан муносабатини билдириб, пухта мажмуа яратганини айтишимиз даркор. Биз ҳам матнларни танлашда шу принципга асосланишга, айникса, номалар ва Сайфи Саройи ижодидан намуналар танлашда ҳаракат қилдик.

Сайфи Саройи XIV аср ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутади. У Олтин Ўрда адабиёти ва Мисрда туркий қавмлар барпо қилган Мамлуклар давлатидаги адабий муҳитнинг ёрқин вакили. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини «Гулистони бит-туркий» номи билан илк бор туркийчалаштирди, ўз даврининг малик уш-шуароси сифатида шуҳрат қозонди. Сайфи Саройи ижоди, хусусан, унинг таржимонлик маҳорати ҳақида ҳали кўп гаплар айтилиши керак. Биз бу улуғ шоир билан боғлиқ бошқа муҳим масала — унинг асарлари нашри устида қисқача тўхталмоқчимиз.

Сайфи Саройининг «Гулистони бит-туркий» асарини Туркияда ўтган аср ўрталарида Фаридун Нафиз Ўзлуқ чоп эттирган; Қозонда, Қозоғистонда бу шоир ижоди бўйича ўша даврда бир қанча ишлар амалга оширилган. Ўзбекистонда бу асарнинг икки нашри — Э.Фозилов ва Н.Даврон амалга оширган нашрлари бор. Биз ҳам «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари»нинг II жилдига бу шоир ижодидан намуналар олиб, изоҳ ва шарҳлар билан таъминладик. Матнни ким тайёрлагани эмас, бадиий савияси мажмуада асосий мезон бўлгани учун Сайфи Саройининг замондош шоирларга жавоб ғазалларини Амир Нажип нашридан, «Гулистони бит-туркий»дан намуналарни Насрулло Даврон нашридан айрим тузатишлар билан олишга тўғри келди. Э.Фозилов тайёрлаган нашр ўз-ўзидан четга сурилиб қолди. Бунга сабаб — Э.Фозилов нашрининг савияси юксак эмаслиги бўлди. Сўзимизнинг исботи учун Амир Нажип ва Э.Фозилов нашрларидан Мавлоно Қози Муҳсин ғазалига эътибор берайлик. Тўртинчи байтнинг биринчи мисраси Амир Нажипда:

***Йанағи меҳрулара олма сотар.***

Мисранинг мазмуни тушунарли: *Ёрнинг ёноқлари шунчалик қизилки, худди қуёшга қизил олмани сотмоқчи бўлаётгандек, қуёш билан баҳслашаётгандек.*

Энди юқоридаги мисрани Э.Фозилов қандай ағдарганига эътибор берайлик:

***Янгоғи сайрулара олма сотар.***

Мазмун мубҳам, ***«меҳр»***ни ***«сайр»***-га алмаштирган Э.Фозилов нимани назарда тутган — ўзига маълумдир-у, аммо китобхонга қоронғу.

Яна шу ғазалнинг бешинчи байти Амир Нажипда:

***Не янгоқким мот этар тоза гулни.***

Мисра мазмунини тушунишда ҳеч қандай муаммо йўқлиги учун шарҳламаймиз-да, шу байтни Э.Фозилов қандай тушунганини кўрамиз:

***Не янгоқким, мот отар(?) тоза гули(?).***

На мантиқ, на мазмун бор, балки «отар»нинг биринчи ҳарфи *алифни* Э.Фозилов *калтак* деб тушунган бўлса керак? Бўлмаса, мотни отиб бўладими?! Кимдир кимнидир мот қилади!

Яна шу шеърнинг охирги байти Амир Нажипда:

***Қоша кўза алданурса дағийлар.***

Яъни ***«дағийлар»*** — бошқалар демоқчи экани маълум. Э.Фозиловда:

***Қоша, кўза алданурса доийлар.***

Шу шеър муаллифи Қози Муҳсинга нисбатан ишлатилган *Мавлоно* сўзини матнчи чала-ярим қилиб *Мавло* деб ўқиганини ҳам тушуниш қийин. Биз шу ғазалдаги унчалик аҳамиятсиз, шеър мазмунига халал бермайдиган қусурларга эътибор бермадик.

Саъдий «Гулистон»ининг форсча асл нусхаси учинчи боби 22- ҳикояси охирида «Мен айтдим» ибораси бор. Сайфи Саройи таржимасида «Хаёлга Хожа Исҳоқ Хоразмийнинг қуйидаги ҳикмати келур» деган жумладан кейин қуйидаги тўртлик келтирилган:

***Тушиб бир кун отиндин, бу масални***
***Бадиҳа назм этти Хожа Исҳоқ:***
***«Жаҳон севган кишининг кўзларини***
***Қаноат тўлдирур ё ўлса тупроқ».***

«Гулистони бит-туркий»ни синчиклаб ўрганган Амир Нажип шу шоирнинг ғазалига Сайфи Саройи жавобан ёзган ғазалнинг биринчи байтини қуйидагича чоп эттирган:

***Таолаллоҳ зиҳи сурат,***
***зиҳи маҳбуби руҳоний,***
***Ким онинг ҳусни шавқидин***
***кўнгуллар бўлди нуроний.***

Байтнинг биринчи мисрасидаги *руҳоний*ни Э.Фозилов *равҳони* деб ўқиганини ҳеч ҳам англаб бўлмади.

Агар Сайфи Саройининг Э.Фозилов нашрга тайёрлаган китобини шу тарзда таҳлил қилишни давом эттирсак, бугунги авлодда 60- йиллардаги матншунослар шу даражада ночор бўлган экан-да, деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Аслида, энг лаёқатли матншуносларни ўша давр етиштирган. Фақат юқоридагидек нашрлар мумтоз адабиётнинг қимматини бир оз туширади, холос.

Матншунослик бир ёзувдан бошқасига ҳарф ағдаришдан иборат эмас. Ёки дуч келган матнни олиб, мажмуа ясашдан ҳам ҳеч ким наф кўрмайди. Матншунос, биринчи навбатда, матнни дид ва саводхонлик билан тайёрлаш малакасига эга бўлса, мажмуа тузувчилар учун ҳам, келгуси авлодлар учун ҳам катта иш қилган бўлади. Матндаги хато мажмуада ҳам давом этаверса, бора-бора мумтоз адабиётнинг қиёфасига доғ тушади. Иккинчидан, матн талабага ёки кенг оммага мўлжалланганда, албатта, луғат ва изоҳлар билан таъминланиши керак. Умуман, матн тайёрлаш ва шу асосда мажмуалар тузиш бир-бирига боғлиқ жараён эканини ҳар доим эътиборда тутишимиз лозим.

**Насимхон РАҲМОНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

# "САРБАДОРЛАР"

"Шарқ" нашриёти Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг "Танланган асарлар"ини нашр қилишга киришди. Яқинда ушбу танланманинг биринчи жилди босмадан чиқиб, ўқувчилар қўлига бориб етди. Жилдга адибнинг машҳур "Сарбадорлар" тарихий роман-дилогияси киритилган.




Халқимизнинг озодлик тарихига, босқинчиларга қарши қаҳрамонона кураш олиб борган фидойи ва ватанпарвар инсонлар ҳаётига бағишланган ушбу романда юртимизнинг Х1У аср иккинчи ярмидаги ҳаёти манзаралари ишонарли тасвирланади. Воқеалар Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Ахсикат, Сабзавор, Нишопур сингари шаҳарларда бўлиб ўтади.

Эрк, юрт озодлиги учун жонини тиккан боболаримизнинг ёрқин сиймолари ўқувчи кўз ўнгида гавдаланади. Самарқанддаги Наддофлар маҳалласи

## Доимий ҳамроҳ

оқсоқоли Абу Бакр Калавий, камонмерган Хўрдак Бухорий, толиби илм Мавлонозодалар мўғул хони Илёс Хожага қарши бутун халқни оёққа турғизишга ва қаттол душманни қувиб юборишга эришадилар.

Романда Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихига кириб келишда қўйган илк қадамлари, 25-30 ёшлик даврлари тасвирланган. Улкан давлат барпо этиш орзусида ўзбошимча бекларнинг бошини қовуштирмоқ пайида кўрсатган жонбозликлари қизиқарли кўрсатиб берилган, юрт валламатига айланган жасур ва қўрқмас ёш амирнинг тўлақонли образи чизилган. Муаллиф романни яратишда тарихий манбалардан унумли фойдаланган, ўша давр колоритини бера олган, асар тили устида қаттиқ меҳнат қилгани кўриниб туради.

Жилдга профессор Қозоқбой Йўлдошнинг "Миллий хотиранинг бадиий ифодаси" номли сўнгсўзи ҳам илова этилган. Муҳаррир — Улуғбек Раҳимов. Адади 5000 нусха.




# "ШАРҚ ЮЛДУЗИ" 2011 йил, 2 - сон

Журналнинг мазкур сонида берилган Комил Авазнинг "Эътиқод эҳтироми" мақоласида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилади.

Эркин Аъзамнинг "Шовқин" ро-

## Журналларни варақлаганда

манини, Эркин Норсафар, Улуғбек Ҳамдам ҳикояларини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз. Шеъриятга бағишланган саҳифаларда Абдулла Орипов, Носир Муҳаммад, Миразиз Аъзам, Замира Рўзиева, Абдураҳмон Жўра, Илҳом Аҳрор, Жуманиёз Ўтениёзов, Абдураҳмон Акбарнинг янги туркум шеърларидан баҳраманд бўласиз. "Назм гулшани"да шеъриятимизнинг навқирон авлоди вакилларининг шеърлари берилган.

"Ёднома" рукни остида Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов ва Нажмиддин Комиловнинг таниқли таржимон, шарқшунос олим Шоислом Шомуҳаммедов ҳақидаги ёдномаларини ўқийсиз.

Шунингдек, ушбу сонда эълон қилинган адабиётшунослар Нўъмон Раҳимжоновнинг "Бадиий-фалсафий тафаккур қирралари", Марҳабо Қўчқорованинг "Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора", Зариф Қувоновнинг "Мумтоз адабиётда услуб муаммосининг ўрганилиши", Раҳимжон Раҳматнинг "Муножот" айлаётган Зиё" мақолалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

"Гулқайчи" рукни остидаги Бахтиёр Ризонинг ҳажвий ҳикоялари билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз.

# КЛОН ТАРЖИМА

Сарлавҳани ўқиб, ажаблансангиз ҳам ажаб эмас: таржима ижодий иш бўлса, бунда клон қурғурга нима бор?

Шошманг-да, азизим. Илмга шак йўқ деган гапни эшитмаганмисиз? Қурғур клонлаштириш чиқдию турмушнинг теша тегмаган соҳаларигача таралиб кетди. Ҳозир уни ўз соҳасига татбиқ эта олмаган одам ношуд, ҳаётдан орқада қолган саналади. Ўтли-шудли, эпчил, ишбилармон, абжир одам эса ҳамма нарсанинг йўлини топади, қойиллатади, пировардида қарасангиз, клон маҳсулотини тақдим этиб турибди-да! Нимаям дердик, қандини урсин азамат, деймиз-да. Чунки ҳаётдан орқада қолган одамнинг турмуши ҳам мундайроқ бўлади, унақаларни биров таниса, биров танимайди.

Каминангиз қайдаю, клонлаштириш қайда? Бизга аравани жўн тортиб юриш ҳам давлат. Ҳолбуки, мен ҳам ҳаётдан орқада қолмай дейман, рўзғоримни бутлагим келади. Энди... биздақа одам ўнта иш қиладиган бўлса, шунинг саккиз-тўққизтаси натижа бермас экан. Нима қилсам экан, деб излана-излана, Ог Мандино деган амиркон олимнинг "Яхши яшаш сири" деган китобчасини бир ўртоғимдан икки кунга аранг сўраб олдим. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт уни ўтган йили икки минг нусхада чоп этган экан.

***Э хайрият-э, бор экан-ку, чораси ҳам, топилар экан-ку!!! — дея ҳайқириб юбордим-да, уни бош кўтармай, яъни ётволиб ўқишга тушдим. Китоб дегани ана мундоқ бўпти! Иши юришмай, турмуш ташвишларидан зада бўлганларга аталган рецептлар, маслаҳату кенгашлар, асар жозибасини ошириш учун ҳар икки-уч саҳифада муаллиф ё таниш-билишларнинг бошидан ўтган бир чимдиму, бир чекимлик ибратли лавҳаларнинг тизилиб келишини қаранг! Ҳар бир қоида алоҳида фасл қилиб берилади. У фасл бошида тақдим этилгач, бир қанча ҳангомалар орқали тафсилланади, пировардида бояги қоида яна келади ва у аксиома каби кўнгилдан жой олади.***




«DAVR PRESS» нашриёти, Тошкент — 2010




Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент — 2010

Бу Ог Мандино деганимиз Мандино эмас, бир бало экан, ўн бешта китоб ёзибди, улар ўттизга яқин тилда эллик миллион нусхада чоп этилибди ва сон-саноқсиз одамлар ҳаётини енгиллаштиришга, оздир-кўпдир кўмаклашибди. Аммо йигирма миллионлик ўзбек китобхонига икки минг нусха китоб нимаям бўларди? Шуни ўйлаб шекилли, роса бир ой деганда "Давр-пресс" нашриёти ҳам уни яна шунча нусхада чоп этди. Энди қулоғингизга бир гап: шу кейинги нашрдан бир нусхасига биз ҳам илиндик.

Яхши китоб кишига рўзу шаб ҳамроҳ эрур, деб айтган экан бир машойих. Шунданми, ё китоб энди ўз мулким бўлиб қолгани учунми, отаси олиб берган янги велосипедини ҳар соатда артиб-суртадиган болага ўхшаб, мен ҳам дам-бадам унинг саҳифаларига кўз югуртирадиган бўлиб қолдим.

Такрорлаш — билимнинг онаси, деб ким айтувди? Отасига раҳмат ўшанинг! Қайта-қайта ўқийвериб, "Яхши яшаш сири"даги ҳар бир жумлани сув қилиб ичвордим. Аммо мени лол қолдиргани шу бўлдики, Ғафур Ғулом нашриётида чиққан китобга мутаржимлар Асрор Мўмин, Баҳодир Комил номи битилган бўлса, "Давр-пресс" китобининг мутаржими — Насиба Юсупова экан! Аммо иккала китобнинг ҳар бир абзац, ҳар бир жумласи эгизаклардек бир хил. Ғалати-а? Мана, дуч келган саҳифани очиб қарайлик:

***Ҳар бир яшаб ўтилган кун ҳаётингизда ана шундай из қолдириши керак.***

***Бироқ** энг муҳими – тонгни қувонч билан қарши олишда. Бош чайқаяпсизми? Начора, бу **оддий машқ ҳам** сизга оғир туюлаётган бўлса, **агар** эрталаб **уйғониб**, қувониш учун бирон сабаб йўқлигини ҳис қилсангиз, тушкунликка тушманг. Бу ҳамманинг ҳаётида бўлади. Шундай кунлар бўладики, ҳатто дунёдаги энг қувноқ одамлар ҳам ўзларини қуршаган олам билан мулоқот қилишдан кўра тўрт девор ичида ёлғиз қолишни афзал кўрадилар. "Ёмон" кунлар ҳаммада, ҳатто энг обрўли сиёсий арбоблар, машҳур спортчилар ва йирик корпорацияларнинг президентларида ҳам учрайди. Ҳаммамиз ҳам баъзан гавжум бекатларда автобус кутиш, қайсар мижозларга сим қоқиш ёки қўпол бошлиқ билан учрашиш ўрнига бошимизни юмшоқ ёстиқ остига яшириш истаги билан уйғонамиз.* (А.Мўмин, Б.Комил таржимаси, 110 — 111-бетлар. Фарқли ўринлари остини чизиб кўрсатдик).

Ушбу саҳифанинг ҳаммасини пеш тутсам, сизни қийнаб қўяман. Шу сабабли, унинг охирги жумласига бир кўз ташлайлик:

***Агар эрталаб ўзингизга нисбатан қаттиқ ачиниш ҳисси билан уйғонсангиз, янги газетани олиб ўқинг. Фақат биринчи саҳифасига қараманг, акс ҳолда...*** (*111 — 112 б*).

Биз эса Насиба Юсупова таржимасининг 100-саҳифасига қарайлик:

***Ҳар бир яшаб ўтилган кун ҳаётингизда ана шундай из қолдириши керак.***

***Энг муҳими, тонгни қувонч билан қарши олишда. Бош чайқаяпсизми?***

## Таажжуб

***Начора, бу сизга оғир туюлаётган бўлса, эрталаб уйғонаркансиз, қувониш учун бирон сабаб йўқлигини ҳис қилсангиз, тушкунликка тушманг. Бу ҳамманинг ҳаётида бўлади. Шундай кунлар бўладики, ҳатто дунёдаги энг қувноқ одамлар ҳам ўзларини қуршаган олам билан мулоқот қилишдан кўра тўрт девор ичида ёлғиз қолишни афзал кўрадилар. "Ёмон" кунлар ҳаммада, ҳатто энг обрўли сиёсий арбоблар, машҳур спортчилар ва йирик корпорацияларнинг президентларида ҳам учрайди. Ҳаммамиз ҳам баъзан гавжум бекатларда автобус кутиш, қайсар мижозларга сим қоқиш ёки қўпол бошлиқ билан учрашиш ўрнига бошимизни юмшоқ ёстиқ остига яшириш истаги билан уйғонамиз*** (100- бет).

Ва бояги сўнгги жумла:

***Агар эрталаб ўзингизга нисбатан қаттиқ ачиниш ҳисси билан уйғонсангиз, янги газетани олиб ўқинг. Фақат биринчи саҳифасига қараманг, акс ҳолда...*** (ўша бет).

Қойилмисиз? Агар сизни юқоридаги жумлада айтилган "қаттиқ ачиниш ҳисси" чулғаб олмаган бўлса, Насиба Юсупова телепатия орқали Асрор Мўмин ва Баҳодир Комил билан мулоқотга киришиб, шундай ажойиб мўъжиза — аввалгисига икки томчи сувдек ўхшаш таржима яратганини эътироф этасиз. Салгина тавофут ҳам йўқ эмас, албатта – дастлабки ўн-ўн беш саҳифада абзацларнинг бошида, жумлаларнинг аввалидаги кириш сўзларда бир-иккита сўзлар ўзгартирилган. Иккинчи ўзгачалик эса "Тўртинчи қоида" қисмидаги бир шеър таржимасида кўринади. "Давр-пресс" нашрида шеър ўгирмаси остига "Н.Юсупова таржимаси" дея изоҳ берилибди. Тавба, дейсиз, бутун китобни Н.Юсупова ўгиргани ҳолда, унинг ичидаги шеърий парчани ҳам шу опахон ағдарганини алоҳида дарж этиш айни шеърдан ўзгасини бошқа биров ўгирганини кўрсатмайдими?

Мен, ниҳоят, бу таржималарнинг бири ҳақиқий меҳнат маҳсули, иккинчиси эса унинг катта муваффақият билан дунёга келтирилган клони(кўчирмаси) экан, деган хулосага келиб қолдим. Хўш, ким кимдан кўчирган, ким кимнинг ижод маҳсулотини ўғирлаб, ўзлаштирган?

Ҳар иккала таржима нашр этилган сана орасидаги тавофут атиги бир ой, деган эдик. Бунча қисқа вақт ичида бир қаламкаш бошқасининг меҳнати маҳсулини ўз номидан чиқариб юбориши амримаҳол, албатта.

Хўш, унда нега Н.Юсупова таржимасини ўғирлик, ёки юмшоқ қилиб айтганда, тайёр ошга баковуллик, деб атаяпсиз, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, "Яхши яшаш сири" китоби 2009 йили (бир йил аввал) Асрор Мўмин ва Баҳодир Комил таржимасида "Жаҳон адабиёти" журналининг 6 — 7-сонларида чоп этилган экан. Журнал матнидан бир парча:

***Ҳар бир кунингизни яхши ният асосига қуринг. Мавжуд ёки хаёлий камчиликларингизни ўйлаб ғам чекманг. Сиз — <u>Худонинг бандаси</u> эканлигингиз, ҳар қандай орзуингизни ёлғиз ирода кучингиз билан амалга оширишга қодир эканлигингизни ўзингизга тез-тез эслатиб туринг. Сиз ҳатто қанот чиқариб учишингиз ҳам мумкин, фақат шундай қилишга қодир эканлигингизга ишонсангиз бас. Мағлубиятни хаёлингизнинг кўчасига ҳам келтира кўрманг. Шунда дилингиздаги барча орзуларингиз амалга ошади. Лабингиздан табассум аримасин!*** (7-сон, 184-бет).

Бу парчани "Н.Юсупова таржимаси"га қиёслаб кўргач, каминанинг ҳам лабидан табассум аримай қолди. Ўгитда айтилганидек, мағлубиятни хаёлининг кўчасига ҳам келтирмаган мутаржим "Худонинг бандаси" калимасини "Тангрининг қули" билан алмаштирибди-да, бир юмалаб "таржима муаллифи" бўлиб олибди. Мана, ўзингиз таққослаб кўринг:

***Ҳар бир кунингизни яхши ният асосига қуринг. Мавжуд ёки хаёлий камчиликларингизни ўйлаб ғам чекманг. Сиз <u>Яратганнинг қули</u> эканлигингизни, ҳар қандай орзуингизни ёлғиз ирода кучингиз билан амалга оширишга қодир эканлигингизни ўзингизга тез-тез эслатиб туринг. Сиз ҳатто қанот чиқариб учишингиз ҳам мумкин, фақат шундай қилишга қодир эканлигингизга ишонсангиз бас. Мағлубиятни хаёлингизнинг кўчасига ҳам келтира кўрманг. Шунда дилингиздаги барча орзуларингиз амалга ошади. Лабингиздан табассум аримасин!***(67-бет).

2009 йили Асрор Мўмин билан Баҳодир Комил таржимаси "Жаҳон адабиёти" журналида босилиб чиққач, бошқа бир қанча газеталар ҳам уни тўлиқ ёки қисман кўчириб, ўз муштарийларига тақдим этганди. Чунончи, "Инсон ва қонун"нинг 2010 йилги 3 — 52-сонларида мазкур асар кўчириб босилган. Аммо бу газетада, Н.Юсупова китобидан фарқли ўлароқ, икки мутаржимнинг исми ва журнал номи ҳалол кўрсатилади.

Энди таржимадаги биттагина хатога тўхталиб ўтамиз. Ог Мандино бу китобда яхши яшашнинг ўн еттита қоидасини тақдим этган. Бу қоидалар аслида жўнгина. Масалан, ўн тўртинчи қоида шундай деб бошланади (русчаси): **«Вы осуществите свою великую мечту, если будете двигаться к ней день за днем, поэтому ставьте цели на каждый день: не сложные и длительные проекты, но необходимые дела, которые шаг за шагом приведут вас к вершине радуги».**

Бу жумлани Асрор Мўмин ва Баҳодир Комил шундай деб ўгиришган: ***"Агар улкан орзуингиз сари кундан-кунга тўхтовсиз интиладиган бўлсангиз, унга, албатта, эришасиз. Шунинг учун олдингизга енгил ва узоқ муддатга мўлжалланган, лекин зарур ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйинг"***(106-бет).

Бизнингча, "несложый" — "енгил" бўлиши мумкин, аммо "не сложный" – "енгил" дегани эмас. Иккинчидан, ана шу "не..." предлоги "длительные" сўзига ҳам тааллуқли. Яъни, "узоқ муддатга мўлжаллан<u>ма</u>ган" демоқчи(***Сиз энг катта мақсадингизга кунма-кун интилсангизгина эриша оласиз. Бунинг учун эса олдингизга <u>ҳар куни</u> унча <u>қийин бўлмаган</u> ва узоққа чўзилмайдиган, аммо зарур ишларни бажаришни вазифа қилиб қўйинг; бу сизни муваффақият сари қадамба-қадам олиб боради).***

Таржиманинг "айбғинаси"ни кўрсатишдан мақсадимиз тамом бўлак: Н.Юсупова аввалги таржимадаги хатоларни ҳам бехато кўчириб олибди: ***"Агар улкан орзуингиз сари кундан-кунга тўхтовсиз интиладиган бўлсангиз, унга албатта эришасиз. Шунинг учун <u>ҳар куни</u> олдингизга енгил ва узоқ муддатга мўлжалланган, лекин зарур ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйинг" 117 — 118-*** бет).

Шу боис, мен пировардида Ог Мандино тавсия этган ўн етти қоида ҳали бироз камлигини, ҳаммани қойилмақом қилиб яшашнинг сири аслида ўн саккизта эканини пайқаб қолдим. Сирасини айтганда, буни ишга ижодий ёндашган "Давр-пресс" нашриёти мутаржими кашф этиб, татбиқ қилган. Ушбу ўн саккизинчи қоида шундай: ***"Бировнинг нарсасини, ёки меҳнати маҳсулотини ўғирлаб олишдан сира-сира хижолат бўлманг. Бунда энг муҳими – ўғирликни билдирмаслик учун уни бошқа рангга бўянг ёки у ер-бу ерига салгина ишлов бериб қўйинг. Ана шунда ошиғингиз олчи бўлаверади".***

Мен юқорида бу икки китобдан икки-уч абзац мисол келтирдим, холос. Ҳолбуки, "Давр-пресс" нашр этган китоб бошдан-оёқ кўчирма эканини тўлиқ исботлаш учун бу иккала китобдаги ҳар бир жумлани пеш келтириш мумкин. Барча жумлалар, ҳамма ифодалар, жами ўхшатиш, ташбеҳ ва тасвирлар мутлақо айнан. Башарти Ог Мандинонинг ўзи тирик пайтида китоб қўлёзмасини йўқотиб қўйиб, уни қайта ёзиб чиқишга урингандa ҳам буни шунчалик маҳорат билан эплай олмасди.

Бундай ҳодисалар шунчаки нохуш бир ҳол эмас, у кутубхоналар каталоглари ишини чалкаштиради, таржимонларнинг муаллифлик ҳуқуқини поймол қилади ва ҳоказо. Бунинг олдини олиш учун кўчирмачиларни инсофга чорлашдан фойда йўқ. Ягона чора – нашриётлар бир-бирининг тематик режаларини кўриб чиқишига, мувофиқ иш юритишига эришишдан иборат. Чунки асосий мақсад — китобхон манфаати. Акс ҳолда, куни кеча ёзилган ёки давоми кейинроқ ёзиладиган, ғўр, хом-хатала асарлар бугун чоп бўлиб, урчиб, янада кўпайиб кета бериши тайин.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

# ШУ ЮРТНИНГ МАРДИГА ҲАМДАМ БЎЛАЙЛИК

## Ватан учун яшайлик!



### ВАТАННИ АНГЛАШ

Қушлар уясига хаслар партўшак,
Тоғлар ҳам тошим деб яшайди бешак.
Ватанни севишни ўрганмоқ бўлсанг,
Сенга нигоҳ бўлсин кўз очган куртак.

Майсалар муроди яшиллик азал,
Булбул гул мадҳида абадий ғазал.
Ватанни куйлашни ўрганмоқ бўлсанг,
Елларни йўқласанг куйи муфассал.

Кафтингта олсанг гар гапиргай тупроқ,
У бобонг, у момонг, руҳлари уйғоқ.
Ватанни танишни ўрганмоқ бўлсанг,
Кўҳна тарихига шу замин гувоҳ.

Чумоли чирқиллаб юргайдир балки,
Қалдирғоч қиқирлаб кулгайдир балки.
Жонзотни тинглашни ўрганмоқ бўлсанг,
Дилингдан ўтганин билгайдир балки.

Онанг эккан райҳонларга боқиб кўр,
Ўз дилингда ирмоқ бўлиб оқиб кўр.
Ватан мадҳин, Маҳмуд, шеърда айттали
Қор қўйнида чимдим олов ёқиб кўр.

### КЎКЛАМ КЕЛДИ СИЗНИ КЎРГАН

*Озод Шарафиддинов хотирасига*

Тилдан тушмас қадим ақида,
Соғинган дил қоларкан сўлиб.
Соғинтирган одам ҳақида
Кўп ўйлайсан, кўзинг тўрт бўлиб.
Руҳингизга ором сўргани,
Кўклам келди сизни кўргани.

Турналарнинг тиловатида,
Ўрикларнинг гулида ёмғир.
Майсаларнинг саловатида,
Соғинганлар дилида ёмғир.
Қабрингиздан ғубор ювгани,
Кўклам келди сизни кўргани.

Ҳақ сўз қушдек қилғуси парвоз,
Қанотига хуш ният қадаб.
Бошингизни кўтаринг, устоз,
Чимдимгина кўкни тутамлаб
Бир ҳол сўраб, суҳбат қургани
Кўклам келди сизни кўргани.

Қалдирғочлар соғинч қушлари
Уйингизда алёр айтади.
Боқса сиз йўқ, учиб хушлари
Қабрингизга бориб қайтади.
Мажнунтоллар сочин ўргани,
Кўклам келди сизни кўргани.

Адолатнинг овозаси зўр,
Руҳингни ҳам юксакда тутгай.
Ким яшаса ҳақиқатга жўр
Эли оппоқ тилакда тутгай.
Олқишлардан арқон ўргани,
Кўклам келди сизни кўргани.

Маст айламиш кўкламнинг кўрки,
Гул гулобин қонида асрар.
Адабиёт қутлуғ сўз мулки,
Жон тикканни шонида асрар.
Сабр дарсин сиздан сўргани,
Кўклам келди сизни кўргани.

### ИБРАТ

Осмон яшар билсанг она Замин учун,
Дарёлар бор, уммоннинг ҳам бағри бутун,
Биз ким учун яшаяпмиз, айт, дунёда,
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Сен ҳам отанг орзусидан туғилгансан,
Мен ҳам онам ёғдусига йўғрилганман,
Гар керилсам ҳурлигимдан керилганман,
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Яхшиларнинг ёноғида кулган ойдай,
Тошга умр тилаб оққан битта сойдай,
Яратгандан кенг феъл сўра Хотамтойдай,
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Инсоф ойна, қўлга олиб қарадингми,
Бир ниҳолнинг пойига сув тарадингми,
Айт, бир бора эл корига ярадингми,
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Олимлардан эл-юрт учун ҳикмат қолур,
Оқиллардан нур ёғилиб раҳмат қолур,
Мард йигитга боққан одам журъат олур,
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Биз дунёга тинчлик тилаб турган миллат,
Ўзбек улуғ, Ўзбекистон буюк давлат,
Аҳли дунё биздан ҳали олур ибрат,
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

### ЧИМЁН ТОҒИДА

Тоғларга чиққаннинг барчаси айтар,
Мангу яшил гули, арчаси айтар,
Тоғларга чиққанга улуғлик ёрдир,
Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар.

Асрлар ҳикматин сўйлайди тошлар,
Булар тошлар эмас, мангу бардошлар,
Ёмонлар юзига тортилган парда,
Бу тошларга томган не-не кўз ёшлар.

Бунда булоқларга дил очсанг қани,
Арчалар бошидан гул сочсанг қани,
Тоза ҳаволарда товланган одам,
Тоғларда қиш эмас оқлик чамани.

Минг йиллик сирларга гувоҳ бу тоғлар,
Поклик, гўзалликка паноҳ бу тоғлар.
Тубанлик қилганлар тубанда қолди,
Одамлар оҳидан огоҳ бу тоғлар.

Мен тоғда бир нафас ўзимни топдим,
Ахтарган самовий сўзимни топдим.
Кунда кўрганига кўникиб кетган,
Ҳеч нарса кўрмаган кўзимни топдим.

Тоғларга чиққаннинг барчаси айтар,
Мангу яшил гули, арчаси айтар.
Тоғларга чиқингиз аё, яхшилар,
Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар.

### ДАЪВАТ

Хуш ният хушёрнинг сўзи бўлади,
Огоҳнинг ҳар жойда кўзи бўлади.
Майдонда мардларнинг ўзи бўлади,
Шу юртнинг мардига ҳамдам бўлайлик,
Шу элнинг дардига малҳам бўлайлик.

Остонанг ортида Ватан бор дўстим,
Ватанда бўлгаймиз бахтга ёр, дўстим,
Ватан ҳам изларкан содиқ бир дўстни,
Қўлни қўлга бергин, бардам бўлайлик,
Ҳақ йўлда бир одил ҳакам бўлайлик.

Юрт юкин елкада тутгувчилар бор,
Тупроғин кўзига сургтувчилар бор,
Магар кимга ёрдир жасорат ва ор,
Ёнида ҳамиша ҳардам бўлайлик,
Эл-юрт орзулаган одам бўлайлик.

Лолалар ловуллаб қирга чорлайди,
Ошиқлар бир-бирин сирга чорлайди,
Озод юрт оламда кундек порлайди,
Кузни қўй, қишни қўй, кўклам бўлайлик,
Инсонмиз, дил-дилдан кўркам бўлайлик.

Ҳасратла ўтажак ҳасратли инсон,
Мақсадга етажак мақсадли инсон,
Ҳар лаҳза, ҳар фурсат энг олий имкон,
Бўлолсак покликда шабнам бўлайлик,
Ҳаётсан, ҳаётмиз, ҳамдам бўлайлик.

Эрмамат НУРМАТОВ

# ЮЛДУЗЛАР ОЛДИНГДА ТУРГАНДЕК



### НАНАЙ КЕЧАСИ

Оҳиста эсади майин ел,
Ҳавога омухта ел тоти.
Дўстгинам, кечикмай етиб кел,
Бундадир омонлик нажоти.

Билмадим, мўъжиза шумикин,
Ер ила арш суҳбат құргандек.
Зиёлар тўкади ой ёркин,
Юлдузлар олдингда тургандек.

Боисин кашф этдим мен бугун,
Юлдузга, ойга-да меҳрим жам.
Нанайга ошуфта бўлган-чун
Пастроққа тушибди улар ҳам...

### ТАБИАТ ҲАЗИЛИ

Ҳозиргина қуёш порлаб турувди,
Осмон ҳам артилган шиша каби пок.
Бош узра ногаҳон булут югурди,
Ноғарасин чалди момақалдироқ.

Ёмғир савалади, ёпирай, бирдан,
Ҳангуманг айлади дўллар ўйини.
Наволар қиларди қушлар шўху шан,
Буталар қаърига беркинди энди.
Дақиқа ҳисобин олар экан вақт,
Табиат ҳазили тўхтади қолди.
Яна нил фалакда қуёшдир ҳазрат,
Яна рўйи замин ғубордан холи.

Тонг мисол ёришиб кетди бедор таъб,
Топган қиёсимдан яйрадим андак.
Кўз ўнгимга келди араздан йиғлаб,
Сўнг кулиб юборган нозли келинчак...

### САККИЗЛИКЛАР

Қабариқ қўлингни яширмагин ҳеч,
Қорайган чеҳрангдан чекма хижолат.
Тупроқ ишқи билан ёниб эрта-кеч,
Ноз-неъмат ундирмоқ олий саодат.
Майлига мақтансин оқ билак ойим,
Ороли юзи ҳам гўзал, биламан.
Ва лекин, марҳамат этса худойим
Унимас, ўзингни келин қиламан.

* * *

Ҳамиша норози, жиғибийронсан,
Зол ажин мисоли андуҳларинг кўп.
Биродар, кўзинг оч, ғанимат жонсан,
Умр ҳам боқиймас, ҳар они марғуб.
Соя излайверма энди басма-бас,
Фарахбахш зиёдан симиргин андоғ.
Билиб қўй, олам ҳам мукаммал эмас,
Гулларда тикон бор, ойда эса доғ.

* * *

Бойлик ҳовурида лофлар урасан,
Келбатинг таърифин қиласан достон.
Емоқнинг, ичмоқнинг кайфин сурасан,
Жўранг ҳам, тўранг ҳам тўкин дастурхон.
Ўзгалар ташвиши сенга буткул ёт,
Жудосан жонсарак тафаккур, ўйдан.
Шундай кун кечирса агар одамзод
Фарқи қолмас эди бўрдоқи қўйдан!

* * *

Кимнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг,
Мол-дунё бериб кўр, амал бериб кўр.
Фожиа — қалб ўрнин олса метин санг,
Кўзларини тўсса кибр отлиғ тўр!
У ўзин чўққига тенглаши мумкин,
Балки тортинмайди қуёш аташдан.
Лек чўққи чўққими қор қўймаса ин,
Кул эмасми қуёш тинса оташдан...

# ИСТИҚЛОЛ ОФТОБИДАН НУРАФШОН ЧАШМА



Бошланиши биринчи саҳифада.

## Олис мозий шукуҳи

Ривоятга кўра, қадим замонда бир карвон дашту биёбонда ажиб манзилга дуч келибди. "Бу қайси юрт бўлди экан?", дея карвондагилар ҳайрон бўлишибди. Улар манзилга яқинлашганда атрофини тоғлар ҳалқадек ўраган жойдан кўкка нур порлаб, атрофни нурафшон этаётган эмиш. Бориб кўрсалар нур суви тип-тиниқ, зилол чашмадан таралаётганмиш. Сувда ўз аксини кўрган йўловчилар ҳайратга тушиб, "Ҳамма ерга осмондан нур ёғилса, бу чашмадан осмонга нур таралиб турибди. Бу диёрга нур ато этилибди", дея ушбу манзилга Нур ато, деб ном беришган экан.

"Нур қалъаси Марказий Осиёда исломга қадар қурилгани манбаларда таъкидланган. Антик археологик ёдгорликлардан бири сифатида қаралаётган Нур қалъаси эрамизнинг V—VI асрларида 20-21 километр узунликдаги пахса деворлар билан ўраб олинганлиги аниқланган. Бу девор "Пироста" номи билан аталган", деб ёзади академик Яҳё Ғуломов. Мазкур девор 400 йил давомида мудофаа иншооти сифатида хизмат қилган. Х асрда сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида қаровсиз қолдирилгани оқибатида аста-секин харобага айлана борган. Айрим манбаларда Нур қалъасини Искандария, деб ҳам ёзилган. Эрамиздан аввалги 329—327-йилларда Искандар Мақдуний Туронни забт этгани тарихдан маълум. Нур қишлоғи ҳудудида қазилган 365 та коризни ҳам ўша саркарда номи билан боғлашади. Коризлардан айримлари, жумладан, Калта кориз ҳали ҳам мавжуд.

— Бундай тарихий далиллар, археологик топилмалар, зукко олимларнинг фикр-мулоҳазаларини жамлаб айтиш мумкинки, қадимда Нур қишлоғи деб юритилган Нуротанинг ёши 2500—2600 йилга тенг, — дейди профессор Қудратилла Ҳайдаров.

"Эрамиздан бурингги асрларда бино бўлган" (Я.Ғуломов) Нур қалъаси сувга эгалик қилиш ва душман қамалига бардош бериш мақсадида Чашманинг устки қисмида бунёд этилган. Ажлодларимиз ақл-заковати ва мислсиз меҳнати маҳсули бўлган Нур шаҳрининг довруғини оламга ёйган бу Чашманинг жуғрофий ёши бир миллион йилга тенг бўлиб, унинг атрофидаги маданий қатламлар 35-40 минг йилга бориб боғланади, дейди мутахассислар. Бухоролик тарихчи Наршахий Ер юзида Бухородай шаҳри азим пайдо бўлмасидан илгари Нур чашмаси соҳилида ҳаёт қайнаганини таъкидлайди. Қалъа этагидан бошланиб, атрофи девор билан ўраб олинган "Шаҳристон" ўрнида ҳозирги Нурота шаҳри қад кўтарган. Мовароуннаҳрда Хоразмшоҳлар (XII — XIII асрлар) давридаги 400 шаҳар-қалъанинг бири бўлган бу табаррук масканга, Наршахийнинг ёзишича, кўпгина тобеинлар (Пайғамбаримизни ўз кўзи билан кўрганлар) ва саҳобинлар (Пайғамбаримизни кўрганларни кўрганлар) дафн қилинган. Демак, Х асрдан халқ "нур" сўзига "ота" сўзини ҳам қўшиб айта бошлаган. "Ота" атамаси азиз авлиёларга эҳтиром, уларни улуғлаш маъносида қўлланилган... Хуллас, олис мозийда юксак эътибор ва эъзозга сазовор бўлган бу қутлуғ масканни таърифлашганда Зарафшон дарёсини Мовароуннаҳрнинг олтин узуги, Нур чашмасини эса унинг ёқут кўзига қиёслашган.

## Яқин ўтмиш асоратлари

Собиқ шўро замонининг қаттол сиёсати тарихда рўё берган ҳар қандай талотўплардан ўзининг бузғунчилиги ва маҳдудлиги билан беҳад кулфатларни олиб келди. Миллату элатлар эътиқодига, асрлар мобайнида маънавий таянч ва ишончлари манбаи бўлиб келган дини, урф-одатлари, анъаналарига тажовуз қилди ва муттасил уларни йўқотиш пайида бўлди. Афсуски, бу нотанти сиёсатнинг бешафқат босими ва йиллар мобайнида олиб борган қатағонлари ўзининг оғир асоратларини қолдирди.

Нуроталик мўйсафидлар ўтган аср бошида рўй берган бедодликларни бош чайқаб, афсус-надоматлар билан эслайдилар. Айниқса, йигирманчи йилларнинг охири, ўттизинчи йилларнинг бошларида коллективлаштириш баҳонасида амалга оширилган қатағондан нафақат катта-кичик мулкдорлар оғир жабр кўрганлар, балки асрий қадриятларга ҳам жиддий зиён етказилган. Колхозлар ташкил этилишини рўкач қилган комфирқа корчалонлари халқнинг азалий эътиқоди билан боғлиқ қутлуғ масканларга ҳам хуруж қилишган. "Кенг фронт бўйлаб" шафқатсиз олиб борилган тақиқ ва тазйиқлардан элга таниқли зиёлилар, табаррук қадамжолар тугул, ҳатто жой номлари-ю, атамалар ҳам четда қолмаган. Чунончи, Нуроталаги Арабгузар — Тельман, Ўртагузар — Сталин ёки Работўлғон — Фрунзе номлари билан алмаштирилди.

Ана шундай танг шароитда халқ турмушини зилол суви билан таъмин этиб, эл маънавиятини мукаррам тарихий обидалари билан бойитиб келаётган Чашма мажмуаси ҳам қатағонга учради.

Нуроталик мўйсафидлар меъморий мажмуа ва табаррук қадамжолар устида қора булутлар соя солган ўша даврни аниқ-тиниқ эслайдилар. Аввалига "Чил устун" масжиди ғалла омборига айлантирилди. Ҳар йили колхозларда етиштирилган лалми буғдой ўриб олингач, янчилиб масжид ичига жамланарди. Дон захликдан кўкариб, сифатини йўқотар, оқибатда ўрта асрлар архитектура ёдгорлиги йил сайин эмас, кун сайин емирилиб борарди. Устига устак кемирувчилар "ризқ илинжида" масжиднинг залворли деворлари пойдеворини илма-тешик қилиб ташларди.

Шу зайлда кўп йиллар ўтди. "Чил устун"нинг кошинкор гумбазлари тешилиб, ичига қор-ёмғир чакиллаб оқиб турди. Меъморий санъат намунаси зах тортиб бораётганини одамлар кўриб-билиб турар, бироқ уни таъмирлашга журъат этишга ҳеч кимнинг ҳадди чиғмас, зеро бундай ташаббуснинг оқибати мудҳиш фожиага олиб келиши аён эди.

Чашма тарихий мажмуаси бошига солинган кўргуликлар бу билан тугамади. Унинг оддий тахтадан ясалган қийшиқ дарвозаси темир занжирлар билан чандиб ўралиб, отнинг калласидай қулф солиб қўйилди. Ўнлаб йиллар мобайнида бу масканга инсон қадами қўйилишига йўл берилмади.

Бундай бедодликдан ўша мустабид тузум даврида қандай қабиҳ мақсадлар кўзда тутилгани бугун барчага маълум. Қатағонлар, таъқиб ва таҳқирлар, шубҳасиз, ўз асоратларини қолдирди: чашмадан зиёратчилар қадами узилди, тарихий мажмуа теварагини ўт-ўлан босди, ичкаридаги обидалар харобага айлана бошлади. Мажмуа атрофини қинғир-қийшиқ гувала деворлар, лойсувоқ кулбалар қуршаб олди. "Ҳар бир булоғи ва кўҳна тошларидан нур ёғилиб турадиган" қутлуғ маскан пастқам уйлар, гувала деворлар, тупроқ уюмлари орасида қолди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бу мажмуага гилам тўқиш цехларини жойлаштиришди. Неча асрлар забтига бардош бериб келаётган азим устунларга турли ҳажмлардаги михлар, қозиқлар қоқилиб, ускуналар ўрнатилди. Шу зайл зиёратгоҳ оддий корхона биносига айлантирилиб, унинг асл қадр-қиммати, моҳияти деярли йўққа чиқарилди.

## Бунёдкорлик жараёни

Ватан мустақиллигининг янги асрдаги кейинги ўн йили Ўзбекистон тарихи зарварақларига улкан бунёдкорлик даври сифатида зикр этилса ажабмас. Мустамлака асоратларининг ҳам моддий, ҳам маънавий жабрларидан беҳад кўп талофат кўрган юртимиз мисоли оғир ва беҳаловат уйғудан уйғонган паҳлавондек қадди-бастини тиклаб олаётир. Олис қишлоқнинг оддий гузаридан азим пойтахтимизгача янги, замонавий қиёфа касб этаётир, яшариб, кўркамлашиб келаётир.

Х асрда яшаб ўтган муаррих Наршахий "Бухоро тарихи"да "Нур катта ва гўзал жой, унда масжиду жоме бор. У кўпгина работларга эга. Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган кишининг фазилатларига эга бўлади", деб ёзган бўлса, бугун Нуротани зиёрат қилган киши беихтиёр кўҳна тарихнинг эврилганига гувоҳ бўлди: Истиқлол Чашма меъморий мажмуига янгидан ҳаёт бахш этди. У яна салобатли ва гўзал, унда масжиду жоме кўр тўкиб турибди... Зиёратчиларнинг эса кети узилмайди.

Чашма мажмуининг замонавий кўринишдаги лойиҳаси Навоий шаҳар лойиҳалаштириш бошқармаси томонидан амалга оширилди. Лойиҳа асосида Чашма атрофи тўртта ҳудудга бўлиниб, биринчи галда зиёратчи ва сайёҳларнинг бу ансамблга кириб келиш йўллари қурилиши режалаштирилди. Уч поғонали кириш дарвозаси майдонида яхлит хиёбон бунёд этиш белгиланди. Хиёбондан обидалар — Нургулота булоғи, "Кўк гумбаз" масжидига бориладиган йўл ва Чашма суви оқиб ўтадиган катта ариқ ҳамда ҳудуднинг яхлитлигини таъминлайдиган иккита кўприкка уйғун ҳолда узунлиги олтмиш тўрт метрли миллий ўймакорлик услубидаги айвон қуриш кўзда тутилди. Ниҳоят, Чашманинг жануб тарафидаги Нур қалъаси ёдгорликлари зиёратчиларни қизиқтириши эътиборга олиниб, унга борадиган йўлларни қуриш ҳам лойиҳага киритилди... Айни пайтда Чашма теварагида эски услубда тартибсиз хом ғишт ва гуваладан қуриб ташланган уй-жойларни ҳам кўчириш лозим эди. Бошланган савобли ва хайрли бунёдкорлик ишига бу хонадонлар эгалари хайрихоҳ бўлдилар. Йигирма бешта оилага янги уй-жойлар қуриш учун ер участлари ажратилиб, яшаб турган уйлари қиммати кадастр қилиниб, маблағлари тўланди. Тўртта кам таъминланган оилага янги уй-жойлар қурилишида тадбиркорлар ҳомийлик қилишди.

Чашма зиёратгоҳини тўла-тўкис, замонавий даражада таъмирлаш ва ободонлаштиришда Навоий вилоятидаги бир қатор корхоналар, хусусан, "Навоий КМК", "Навоийазот" ОАЖ, "Электркимёзаводи" ЁАЖ қўшма корхонаси, "Қизилқумцемент" ОАЖ, "Сув оқава" ва сув хўжалиги ҳудудий бошқармалари, Нурота тумани автомобил йўлларни қуриш ва таъмирлаш ташкилоти алоҳида ҳиммат ва кўмак кўрсатди. Тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида Тошкентдаги "Ижод" хусусий корхонасининг олтмиш нафар қўлигул усталари меҳнат қилишди. Нурота шаҳридаги ўн учта маҳалла фуқаролар йиғинларининг уюшқоқлиги туфайли ҳар куни иккиюздан зиёд фуқаро қурилиш ва таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатдилар. Бир йил давом эттан бунёдкор ишида халқ ҳашари нималарга қодир эканлиги яна бир бор ўзини намоён этди. Нурота шаҳрида амалга оширилган бунёдкорликлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб, яшартириб юборди: янги коллежлар, мактаблар қурилди, жуда кўплаб бинолар реконструкция қилинди. Чашма мажмуидан бошланган туб ўзгаришлар шаҳар кўчалари, маҳалла, гузарларда давом эттирилаётир.

Бир сўз билан айтганда, Нурота регистонида амалга оширилган ишлар давлатимиз раҳбарининг улуғвор мақсадларни кўзлаб олиб бораётган доно сиёсатининг, юртимизда изчил амалга ошириб келинаётган бунёдкорлик ишларининг, энг муҳими, азалий қадриятларимизга садоқатимиз ва инсон қадр-қиммати юксалаётганининг ибратли далилидир.

## Саодатнинг ойдин йўли

Ният амалдан гўзаллир, дейдилар. Ниятнинг гўзаллиги поклигида, эзгулигида ва улуғворлигида. Ватанимиз ўзининг буюк келажаги сари дадил одимлаб, тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олгани юртимизнинг барча гўшаларида файзли ва фазилатли қурилиш ҳамда ободончилик ишларида яққол намоён бўлаётганини Чашма зиёратгоҳининг бугунги тароватида, кўркам ва обод манзараларида кўриш мумкин.

Чунончи, зиёратгоҳга кириш аркаси қайта қурилиб, миллий нақшларда жило берилди. Жоме масжидининг пойдевор қисми очилиб, кулранг мармар билан пардозланди. Бу эса, тарихий обидага кўрк ва салобат бахш этди. Айниқса, қўлигул усталарнинг маҳоратидан сайқал топган эшик ва деразаларнинг ўймакорлик услубдаги нақшлари беихтиёр ҳайратга солади. "Чил устун"нинг олд томонига ўрнатилган дераза ва эшиклар ўн икки йиллик ёнғоқ дарахтлари ёғочидан ясалган. Тарихий ёдгорлик сифатида асраб келинган яна бир муҳташам эшик реконструкция қилиниб, масжидга кириладиган асосий, қадимий ўрнига қайта ўрнатилди.

Тарихий обидаларнинг ички кўриниши юксак даражада сайқал топди. Масжид меҳроби тўла реконструкция қилинди. Унинг жозибали гумбазларининг ҳар бирига жами йигирма бешта қандил ўрнатилди. "Кўк гумбаз"нинг ўртасидаги маҳобатли гумбаз қадимги усталар услуби асосида қайта тикланди. Айвонлардаги эскирган устун ва ёғочлар янгиси билан алмаштирилди. Зиёратгоҳнинг диққатга сазовор Нургулота қудуғи деворлари таъмирланиб, атрофи кенгайтирилди. Чашмадан чиқадиган ва зиёратгоҳнинг шарқий қисми бўйлаб оқадиган эни бир ярим метрли катта ариқнинг икки томони тош девор билан безатилди. Янгидан бунёд этилган супадан туриб мўъжизали Чашма сувини мароқ билан кузатиш имконияти яратилди. Қадимги меъморий услубда қурилган айвон хиёбон билан Чашмани боғлаб, бутун ансамблни тепадан туриб томоша қилишга имкон беради.

"Чашма" тарихий-меъморий ансамблининг асосий ва марказий майдони олтмиш сотихдан иборат. Майдон кўзни қувонтирадиган даражада кўкаламзорлаштирилган. Саккиз қисмга бўлинган бу майдондаги гулхоналар теварак-атрофга мукаррамлик ва ўзгача чирой бахш этган. Оқшом чоғида сон-саноқсиз тунги ёритгичлар нури қалбга ором, дилларга завқ бағишлайди...

* * *

Истиқлол шарофати билан "Чашма" тарихий-меъморий мажмуи улуғворлик ва шодумонлик сарчашмасига айланди. Бу қутлуғ масканда амалга оширилган улкан қурилиш ва таъмирлаш ишларидан кейин зиёратчилар ва сайёҳлар сони олдингидан тўрт баравар ошди. Эзгуликка интилиб яшаган, Ватанни озод ва обод кўришни асрлар мобайнида орзу қилган ажлодларнинг бугунги авлодлари бу каби мерос қадамжоларни, табиат яратган бебаҳо мўъжизаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, келажак ворисларига бутун муҳташамлиги ва тенгсиз файзу тароватн билан етказишга бурчлидирлар.

"Чашма" мажмуига ташриф буюрган юртдошларимиз, яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан келаётган сайёҳлар бу ансамблнинг ижодкорлари-ю, меъморларига қалб ташаккурларини изҳор этадилар. Салобати ва фусункорлиги билан олис мозийни бугун ва бугунни буюк келажак билан боғлаб турган маънавий сарчашмаларимиз саодатли келажакнинг катта ва ойдин йўлидан шаҳдам одимлаётган элимизнинг азму шижоатидан далолатдир.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Аҳмад ОТАБОЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси мухбири

«Матбуот тарқатувчи» АК. — Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Санъатимиз фидойилари

# ПАРИСОНИ ЙИҒЛАТГАН НАВО

Табиатан суҳбат-мулоқотларни яхши кўрадиган одамман. Илм, ахлоқ, шеър, санъат ҳақида суҳбатлашиш жону дилим. Балки етарли даражада мутолаа қилиш имкониятим йўқлигидандир бу. Охирги пайтларда менда билимдон, моҳир санъаткорлар билан суҳбатлашиш эҳтиёжи кучайди. Ана шундай суҳбатдошларимдан бири 1941 йили Тошкентдаги "Ракат" маҳалласида туғилган. У оҳанг билан тетапоя бўлди. Оҳанглар оғушида ўсди, улғайди, оҳанглар билан машҳур бўлди, жаҳон кезди. Ахир, у дунёга келган хонадон Ўзбекистон халқ артисти, миллий ижрочилик ва бастакорликнинг ўзига хос мактабини ярата олган Муҳаммаджон Мирзаев оиласи эди-да...

— Биринчи устозим дадамлар! Мен улардан жуда кўп нарсаларни ўргандим кўрсатган йўлидан юриб кам бўлмадим. Шу пайтгача нимага эришган бўлсам дадам туфайли эришдим, — дейди Шавкат ғурур билан. — Дадамнинг бир насиҳатлари ҳамон қулоғимда: биров яратган куйга, ҳатто у энг манзуру машҳур бўлса ҳам, илашмагин. Унга озгина ишлов бериб, бу менинг куйим дейишдан тийилгин. Мен яратган куйларнинг ўзи сенга бир умрга етиб ортади.

Бу оддий, самимий сўзларда ҳикмат кўп. Санъатга илк қадам қўяётган ёшлар ушбу сўзларни ўзларига дастуриламал қилиб олса арзийди. Бировнинг куйига озгина ишлов бериб ўзиники қилиб олиш – бу тақлиднинг бир кўриниши, анчайин енгил жараён. Бироқ тақлиднинг ҳар қандай кўриниши, ҳатто шу йўл билан энг баланд мартабага эришган санъаткорнинг ҳам кимлар томонидандир камситилишига олиб келиши сир эмас. Бошқалар яратган мусиқий асарларни ҳар томонлама пухта ўрганиш, бор сиру синоатлари билан ўз ижроси, ижодига сингдириш ундаги мазмун ва шаклни янги оҳангларда акс эттириш, шу йўл билан бадиий мусиқий асар яратиш оғир, албатта. Кўп меҳнат талаб этади. Аммо бу йўлда эришилган озгина ютуқ, яратилган кичик бир янгилик санъаткорга катта муваффақият олиб келиши кўп кузатилган.

— **Устознинг рубоби сизда бўлса керак?** — сўрайман Шавкат Мирзаевдан.

— Ҳа, менда. Бу соз дунёдаги энг муқаддас ёдгорлик мен учун... Вафотларидан сал олдин дадамни кўргани борган эдим. Анчагача гаплашиб ўтирдик. Бир маҳал рубобни олиб ажойиб бир оҳанглар чалишга ҳаракат қилди. Кейин бирдан чалишдан тўхтаб, созни секин менга узатди!... Энди билсам, дадам ўшанда рубоб тимсолида ўзи яратган ва яратишга улгурмаган, ижро этган ва этолмаган барча оҳангларини менга мерос қилиб топширган экан.

— **Концертларда чалиб турсангиз керак?**

— Уйда чалиб тураман. Саҳнада кўпам чалмайман. Сабаби, бошқа созларни билмайману, рубоб беш-ўн йилда етилади: пардалари жойига тушади, товуши ёқимли, жарангдор бўла бошлайди. Йигирма беш-ўттиз йил ўтгач, унда маълум камчиликлар сезилади, бошқача айтганда, у ҳам инсон каби "қарийди". Ўттиз, узоғи билан ўттиз беш йиллик умри бор рубобнинг. Шу боис саҳнада чалмайман, эҳтиётлаб уйда сақлайман.

Шавкат аканинг чолғу созига эҳтироми ибратли. У билан жуда кўп ижодий сафарларда бўлган Ўзбекистон санъат арбоби Темир Маҳмудов бу ҳақда шундай дейди:

— Мен Мирзаевнинг бирор марта ҳам қўлини ювмасдан соз ушлаганини кўрмаганман. Рубобини доим ўзи билан олиб юради. Назаримда, Шавкатжон рубобни худди ошиқ ўз маъшуқасини севгандай севади. Унга гард юқтирмайди, авайлаб-асрайди.

Шавкат Мирзаевнинг бастакор фаолиятида рубобнинг ижро имкониятлари, товушининг ўзига хослиги алоҳида аҳамият касб этади.

У нафақат бастакор, балки оҳангсоз, оҳангпардоз ҳамдир. Шавкат Мирзаев "бастакор" сифатида "Эшвой", "Даштнаво" каби ўнлаб мумтоз куйларга Лутфий, Атоий каби шоирларнинг ғазалларини боғлади. Оҳангсоз (куй яратувчи) сифатида "Дил куйласин", "Дилрабо", "Севги ниҳоли", "Сой соҳили сўлим-сўлим" каби жуда кўп бетакрор куй ва ашулалар муаллифи. Оҳангпардоз (куйни безовчи, тўлдирувчи) сифатида "Ўзганча", "Қаландарий-2" каби халқ қўшиқларини янги оҳанглар билан бойитди. Табиийки, унинг бастакорлик соҳасидаги илк устози ҳам Муҳаммаджон Мирзаевдир. Шавкат ака отаси басталаган куйларнинг аксарини ёддан билади, унинг куй яратиш услубини чуқур ўрганган. Аниқроғи, устоз қолдирган ижод мактабининг ворисий давомчиси.

— Мен дадам билан бир пайтда яшаб ижод этган барча санъаткорларнинг ижодий йўлини ҳам ўрганиб, улардаги энг яхши фазилатларни ижодимда қўллашга ҳаракат қиламан. Уларнинг барчаси менинг устозларим, — дейди Шавкат ака.

Устознинг деярли ҳамма асарларида ўзбек бастакорлигининг энг гўзал услубларини кўрамиз. Яратган куйларида нағмалар фалсафий оҳангларга айланади. У парда овоз уйғунлигини чуқур ҳис этади. Баъзи бастакорлар халқ куйларини замонавий мусиқа тилига кўчириш жараёнида миллийликдан чекинадилар. Ҳатто куйларнинг мусиқий матнини нотўғри талқин қилиш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Шавкат ака эса бастакор сифатида ижоднинг бундай кўринишини ёқламайди. Ижодкор анъаналар қобиғига ўралиб қолмаслиги ҳам керак, бу қобиқдан батамом чиқиб ҳам кетмаслиги керак, назаримда. Унинг деярли барча асарларида мақом руҳи, шакли, оҳангу усул муштараклигини кўриш мумкин. Ўзбекистон халқ артисти, жаҳон таниган санъаткор Муножот Йўлчиеванинг сўзлари фикримизга ойдинлик киритади, бизнингча:

— Устознинг овозимга мослаб ёзган ҳар бир асарини бир мақом дегим келади. Шавкат ака ўзбек халқ куйларининг ичидаги оҳангларини ҳам яхши билади. Унинг фикрича, "Сарпарда"да "Гиря", "Дилхирож"да "Дугоҳ" бор. "Насруллойи"да "Дилхирож" бор. Бундай мўъжизакор ҳолатни устоз бастакорларнинг асарларида ҳам кўриш мумкин: Фахриддин Содиқовнинг "Ишқ" ашуласида "Наво" бор. Яна Юнус Ражабийнинг "Раъноланмасун" ашуласидан "Қаландарий"ни топса бўлади, Тўхтасин Жалиловнинг "Эй қуёш" ашуласида (Тоҳир арияси) қадимий ўзбек халқ қўшиқларидан "Оқ илон, оппоқ илон" оҳанглари бор. Демак, бастакор жуда кўп оҳангларни ёддан билиши шарт....

— Яратган ҳар бир асаримни фарзандим деб биламан, — дейди Шавкат Мирзаев, — фалсафий шеърларни хуш кўраман. Ашула яратишда куй ва ғазал мазмунининг ҳамоҳанглигига алоҳида эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Охирги пайтда яратган ашулаларим орасида Навоий ғазали билан айтилган "Ашрақад" менга бошқача таъсир қилади.

Мумтоз наволаримизга ғазал боғлаш санъатида ҳам Шавкат ака беназир маҳорат соҳиби. Маълумки, ғазалронийлик ўзбек бастакорлик ва мақом ижрочилигининг азалий анъаналаридан биридир. Бирор ашулага янги ғазал қўйишда устоз хонандалар аввало боғланажак ғазалнинг бадиий пишиқлигига, ўша оҳангнинг мослигига алоҳида эътибор беришган. Мазмунан аввалгисидан бойроқ, айни пайтда шинавандага тушунарлироқ ғазалларни танлашган, ва албатта, замон талаби, шинаванда эҳтиёжи ва таъбини ҳам ҳисобга олишган. Ғазалронийлик услубининг самараси ўлароқ "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Чоргоҳ", "Ироқ" каби мумтоз ашулаларнинг бир-биридан гўзал ўнлаб намуналари майдонга келди.

"Бегисултон", "Эшвой", "Даштнаво" каби мумтоз наволарни Шавкат ака бастакорлигининг нодир намуналари деган бўлардим. Яна у мақом санъатининг моҳир билимдони сифатида "Талқинчаи мустаҳзоди наво", "Талқини ушшоқ" каби бир қанча мақом шохобчаларининг ҳам бетакрор ижровий намуналарини яратди.

Бетакрор созанда ва бастакор Шавкат Мирзаевнинг устоз-мураббийлик салоҳияти 1970 йилларнинг охирларида, ҳали талабалик давридаёқ таниқли санъаткорлар Фахриддин Содиқов, Исҳоқ Ражабий томонидан эътироф этилган эди. Ўша йилларда Шавкат Мирзаев Тошкент давлат консерваториясида ўқиш билан бирга "Шарқ мусиқаси" кафедраси ижрочи талабаларига дарс ҳам ўтар эди.

Ш.Мирзаевнинг устоз-шогирдлик анъаналари ҳам ибратли. Унинг фикрича, консерватоия ёки мусиқа коллежида дарс бериш устоз-шогирдлик анъаналарининг муҳим бир кўриниши, аммо ҳақиқий устоз-шогирдлик ўзига хос аҳдупаймондан бошланади. Шу боис устоз-шогирд муносабатлари ота-она ва фарзандларнинг муносабати каби самимий, соф бўлиши керак. Фарқи шундаки, ота-она фарзандни дунёга келтиради, устоз эса уни кўкларга кўтаради. Устоз ота-онадан кўра қаттиққўлроқ, талабчанроқ бўлади. Улуғ шоир Машраб "Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас" деганида юз карра ҳақ эди. Устоз жабри, ўргатиш жараёнида шогирдга етказган озори ота-она меҳридан яхшироқ, фойдалироқ эканини доим ёдда тутиш керак. Зеро, устоз жабри ота меҳридан яхшироқ.



— Мен Ўзбекистон халқ ҳофизи, марҳум Маъмуржон Узоқов билан жуда кўп бирга бўлганман, — дея хотирлайди Шавкат Мирзаев. — У киши уйимизга тез-тез келиб турарди. Ижодий сафарларда ҳам кўп бирга бўлганман. Шундай сафарларнинг бирида "Сенга қандай ашула айтишни кўрсатайми, — деди Маъмуржон ака ҳазил аралаш. — Биламан, сен зўр созандасан, лекин менинг овоз ишлатиш сирларимни ўрганиб қўйсанг ёмон бўлмайди. Балки келажакда керак бўлиб қолар. Мен ашула айтаман, сен қараб тур".

Ўшанда мен у кишининг нафасдан унумли фойдаланишларини, овозни барча регистрларда деярли ўзгаришсиз садолантираётганларини кўриб ҳайрон қолганман. Овоз шакллантириш йўлларини мана шундай улуғ ҳофизлардан қидиришимиз керак экан, деган хулосага келганман. Мен ҳозиргача хонандаларга сабоқ беришда Маъмуржон Узоқов йўлларидан фойдаланаман.

Шавкат Мирзаевнинг ўзига келсак, бугун у кўплаб ёшларни вояга етказган устоз санъаткорларимиздан бири. Масалан, Муножот Йўлчиевани бутун жаҳон танийди. Бугун унинг ўзи ҳам устоз, санъатга дахлдор нуфузли ташкилотларнинг аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти. Бундай ютуқларга эришиш албатта унга ҳам осон бўлмаган. Буларнинг барчаси устоз-шогирднинг ўттиз уч йиллик ижодий ҳамкорлик ва изланишлари самарасидир.

— Муножот "Қаро кўзим"ни ўтган асрнинг саксонинчи йилларида "Назм ва наво" кўрсатувида ижро этиб, халққа маъқул қила олди, — эслайди Шавкат ака. — Кейинчалик "Эй дилбари жононим", "Фарғонача шаҳноз" каби бир қанча ашулаларни ўргатдим. Буларни ҳам яхши ижро этиб, обрў қозонди. Айтишим керакки, бу ашулаларни Муножотхонгача бирорта аёл хонанда ижро этмаган.

Машҳур санъаткорларнинг ижодий сафарлари давомида ўз халқи, ватанига, касбига нисбатан садоқат ва ифтихор туйғуларини туғёнга келтирувчи воқеалар тез-тез бўлиб туради. Шавкат ака Парижда, Муножот билан гастролда эканлигида, уларни бир анжуманга таклиф этишади. Эроннинг таниқли хонандаларидан Парисо ҳам бу анжуманга чақирилган экан. Улар борганда Парисо меҳмонларни ўз санъати билан мафтун қилиб улгурган эди. Фурсат ўтиб, Муножотхонга навбат беришади. У рубоб жўрлигида "Қаро кўзим"ни бошлайди. Ашуланинг сархати тугамасдан, нигоҳидан санъаткорларимизга нописандлик сезилиб турган Парисо, бирданига ўрнидан туриб ўзини хона четидаги парда ортига олади. Ашула тугаши билан Парисо кўпчиликни лол қолдириб парда ортидан чиқиб келади-да, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб шундай дейди: "Мен ўзбекистонлик бу хонанданинг овозида бетакрор бир сеҳр туйдим. Ошиқ фарёдини тинглагандай бўлдим гўё. Кўзларим ёшга тўлди. Шунинг учун ўзимни парда ортига олдим. Ашула тугагунча йиғладим: башарият шундай санъати, шундай санъаткори бор ўзбек халқи билан ҳар қанча фахрланса оз!..."

**Ўлмас РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

# "БАҲОР" ҚИЗЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон халқ артисти Равшаной Шарипова ўзбек анъанавий рақс мактаби руҳида камол топган моҳир раққосалардан бири. Ёрқин артистлик маҳорати, рақсдаги образга буткул кира олиш қобилияти туфайли Р.Шарипова "Баҳор" рақс ансамблининг етакчи солистларидан бирига айланди. Равшаной опа болалик давридаёқ қўлига тушган матони эгнига илиб, тенгдошлари ва катталар учун "рақс байрамлари" уюштирарди. Синглисининг рақсга тушиш қобилияти ва кучли иштиёқини кўрган опаси уни Тамарахоним номидаги балет мактабига ўқишга олиб боради. 1952 йили бу мактаб Тошкент хореография билим юртига айлантирилади. Билим юртида ўқиб юрган давридаёқ Равшанойни "Баҳор" ансамблига ишга оладилар.

Ўқишни тугатган ёш раққоса Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига қабул қилинади. Бу даргоҳда "Оққуш кўли", "Доктор Айболит" каби бир қатор спектаклларда якка рақсларни маҳорат билан ижро этди. Лекин миллий рақсларга бўлган чуқур муҳаббат уни яна "Баҳор" ансамблига етаклади. Равшанойнинг маҳорати ва техник имкониятларини кўрган Мукаррама Турғунбоева унга "Қувноқ қиз" якка рақсини топширди. Ансамблга ўзига хос ижро услуби ва рақс техникасини эгаллаган ҳолда келган Равшаной устоз ишончини оқлади. Шу тариқа ансамблнинг етакчи солистига айланиб, алоҳида рақс номерларини маҳорат билан ижро эта бошлади.

Р.Шариповадаги ўзгача иқтидор, ва ижро услубини пайқаган балетмейстер Евгений Барановский унинг учун "Чўпон" рақсини саҳналаштирди. Рақсда ифодаланган чўпон йигитнинг қўйини йўқотиб қўйиб топгандаги ҳолатини Равшаной моҳирлик билан кўрсатиб беролди. Ундан кейин ҳам бу рақсни бир неча рақкоса ижро этди, лекин ҳеч бири чўпон бола образини Равшаной опадек очиб беролмади. "Ҳаваскор" рақси ҳам Е.Барановский постановкасида Р.Шарипованинг ёрқин номер-

Эътироф

ларидан бирига айланди. Бундан ташқари, "Ёмғир илтижоси" (ҳиндча), "Дилдор", "Завқим келур", "Аста қиёлаб ўтди", "Икки доира билан рақс", "Пилла" каби рақслари ҳам мухлисларга маъқул бўлди. Икки йил давомида Игор Моисеев раҳбарлигидаги ансамблда ишлаш жараёнида Р.Шарипованинг маҳорати янада чархланди. Бу ансамблда "Чўпон", "Ҳаваскор" каби ўзбекча рақслардан ташқари, мураккаб усулларга бой русча рақсларни ҳам маромига етказиб ўйнади. Икки йилдан сўнг рақкоса кадрдон ансамблига қайтди. Бетакрор рақс номерлари юксак мукофотга сазовор бўлди, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланди.

Моҳир рақкоса ижросидаги миллий рақс номерлари фақат юртдошларимизни эмас, кўплаб чет эллик санъат мухлисларини ҳам қойил қолдирди. Швецияга гастроли вақтида ижро этган "Чўпон" рақси ҳақида маҳаллий газеталарда ҳаяжонли эътирофлар босилиб чиқди. "Ўзбек рақкосаси ижросидаги техник жиҳатдан мураккаб бўлган бу рақс шведларни юксак савияси ва гўзал ижроси билан ром этди", деб ёзган эди газеталардан бири.

Йигирма йиллик "Баҳор"даги фаолиятидан сўнг санъаткор "Лазги" ашула ва рақс ансамблига бадиий раҳбар ва балетмейстер бўлиб ўтди. Кейинчалик "Баҳор" ансамблида ҳам худи шу вазифада ишлади. Қаерда ишламасин, ёшларга миллий рақсимиз сирларини мукаммал ўргатишга ҳаракат қилди. Бунда унга жамоа бўлиб ва яккахон тарзда ижро этган рақсларининг яратилиш жараёнлари жуда қўл келди.

Юксак профессионал маҳоратга эга бўлган Равшаной Шарипова Мукаррама опа билан кечган ижодий мулоқотларни соғинч билан эслайди. "Ўзбек рақси маликасининг турли мавзудаги бетакрор рақс услуби бугун унутилиб бораётгани мени ташвишлантиради, — дейди Р.Шарипова. — Бунга бир жиҳатдан ўзимиз — балетмейстерлар айбдормиз. Бугунги якка рақсларда гўзал ҳаракатлар бўлгани билан, воқебандлик етишмайди. Аксарият миллий рақсларимизда кескин хатти-ҳаракат ва услублар, характерлар пайдо бўляпти. Бизнинг вазифамиз авлодларга ўзбек рақсини бор жозибаси, миллий хислатлари, нозик жиҳатлари билан етказиш".

Равшаной Шарипова бугун ёш рақкосалар билан ишлар экан, иложи борича устозларидан ўрганганларини уларга сингдиришга, ўзбекона оҳангларга мос, воқелигимизни ҳаракатларда акс эттирувчи рақс номерларини ўргатишга ҳаракат қиляпти. Равшаной опанинг номи эса ҳамон бетакрор "Чўпон" рақсини ижро этган қувноқ, ёқимтой, шаддод рақкоса сифатида мухлислар қалби тўрида турибди.

**Равшан МАҲМУДОВ**

Диққат: янги фестивал

# САҲНАДА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Туркистон" саройида ўтказилган "Марди майдон" қўшиқлар фестивалида тароналар фақат жонли ижрода янгради. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "TerraGrup" масъулияти чекланган жамият ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ижрочилар қатнашдилар.

Бундан буён ҳар икки ойда бир марта ўтказиладиган фестивал лауреатларини аниқлаш экспертлар гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фестивал шартига кўра қўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади. Эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишида ўтказиладиган мазкур фестивалда хонандалар ўз репертуаридан, халқ мумтоз мероси ва жаҳон классикаси намуналаридан иборат қўшиқларни ижро этадилар.

— Бундай фестивални ўтказишдан мақсадимиз, — деди консерватория ректори Дилора Муродова, — аввало, миллий оҳангларга йўғрилган Ватан, она табиат, гўзаллик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари тараннум этилган янги қўшиқлар яратилишига ҳисса қўшиш, ёш истеъдодларни топиш ва қўллаб-қувватлашдир. Шу билан бирга ёшларнинг профессионал малакасини ошириш ва ўз санъатларини намойиш этишларига кенг йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйганмиз.

Фестивал қатнашчилари учун бошқа имкониятлар ҳам мавжуд. Жумладан, "TerraGrup" компанияси энг яхши асарларни теле ва радиоканаллар орқали мухлисларга тақдим этади, "Ўзбекнаво" бирлашмаси энг яхши ижрочиларни Мустақиллик ва Наврўз байрамлари тадбирларида ҳамда мамлакатимиз ва хорижда ўтадиган танловларда қатнашиш учун тавсия қилади. Шунингдек, ёш хонандаларнинг янги қўшиқларини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг муаллифларига имтиёзли лицензиялар бериш ҳамда энг яхши қўшиқларни бирлашма фонотекасига қабул қилиш кўзда тутилган.

Душанба куни ўтган фестивалнинг илк концертида саккизта ёш хонанда саҳнага чиқди. Улардан Шерзодбек Ортиқов, Ойхон Шаҳобиддинова, Эътибор Отажонова, Сайёра Маматқулова ижролари кўпчиликка маъқул бўлди. Айниқса, ўзбек мумтоз куйларидан "Ёлғиз"ни замонавий талқинда тақдим этган "Евро-Азия" гуруҳи томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Фестивалга тақдим этилган асарлардан ташқари Зулайҳо Бойхонова, Юлдуз Турдиева, Жаҳонгир Отажонов, Дилмурод Мусаев каби таниқли ва ёш санъаткорлар ижросидаги қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.

Тадбир давомида хонандаларнинг ижро маҳорати, услуби, овоз имкониятлари, матн, саҳна ҳаракати ва либослари экспертлар гуруҳи томонидан баҳолаб борилди ҳамда тегишли тавсиялар берилди.

**Г.ФАЙЗИЕВА**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида шоир, олим, драматург Абдурауф Фитратнинг таваллуд айёми муносабати билан анжуман бўлиб ўтди. Учрашувда филология фанлари доктори Н.Каримов, академик Б.Назаров, санъатшунослик фанлари номзодлари Д.Рашидова, С.Аҳмедов Фитрат ижоди, ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида гапирдилар. Талабалар Фитрат ижодига мансуб шеърлардан ўқиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Жавлонбек ЖОВЛИЕВ**

* * *

Тошкент давлат Маданият институти анжуманлар саройида Нозим Қосимов раҳбарлигида саҳналаштирилган "Биз сув ичган булоқлар" мавзуида бадиий-ижодий анжуман бўлиб ўтди. Институтнинг "Халқ томоша санъати" факултети, "Халқ ижодиёти" кафедраси қошида ташкил топган "Чашма" фолклор-этнографик ансамбли ҳам талабалар ҳузурида ҳисобат берди. Талабалар "Ўзим ўргилай", "Ёр келади", "Жўражон", "Оҳ, ялли" каби кўплаб фолклор қўшиқларини маҳорат билан куйладилар.

**О.АҲМЕДОВА**

* * *

Консерваториянинг катта залида ўтган рус мусиқаси кечаси В.Успенский номидаги академик лицей профессори Ева Мавсесянц хотирасига бағишланди. Концертда ХХ аср бошларида яшаб ижод этган рус композитори Николай Черепниннинг симфоник прелюдияси ҳамда шу даврда ижод қилган рус композитори Сергей Рахманиновнинг Паганини мавзуига рапсодияси, форте-пиано ва оркестр учун иккинчи концерти янгради.

Шунингдек, Исмоил Жалилов раҳбарлигидаги Миллий симфоник оркестр (дирижёр — халқаро танловлар лауреати Азиз Шоҳакимов) ҳамда Е.Мавсесянцнинг шогирди Заҳро Муҳамаджнова ижролари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Беназир БОЙСИНОВА**

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда тасвирий санъатнинг барча йўналишлари билан шуғулланаётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиб, рағбатлантириш борасида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Шу йилнинг 21-25 апрел кунлари ўтган "Тасвирий санъат ҳафталиги +5" ана шундай тадбирлардан биридир. Пойтахтимизда бошланиб, юртимизнинг барча вилоятларида давом этган мазкур тадбир байрамона тусда ўтди. Санъат байрамининг очилиш маросимида таниқли рассомлар, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган ҳафталик давомида ўзбек тасвирий санъати эришган ютуқлар, тўпланган тажрибалар самараси яққол кўзга кўринди. Шу билан бирга ўзига хос янгича тамойиллар ҳам кўзга ташланди. Булар янги авлод вакилларининг санъат ва амалий санъат асарлари намойиши, икки авлод мулоқоти, йигирма ёшлилар — мустақиллик билан тенгдош ёш рассомларнинг кўргазмаларидир. Ҳафталик доирасида "Ижод илҳоми", "Меҳринг билан яшайман, Ватан", "Нақшу нигорларда акс этган садо" каби кўргазмалар, "Ўзбекистон санъати ёшлар нигоҳида" давра суҳбати, "Камалак" концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, ёш ижодкорларнинг очиқ осмон остида асар яратиш жараёнлари ҳафталикка ўзгача шукуҳ бағишлади.

Бу йилги ҳафталикда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида



"Бадиият гулшанида гурунглар" давра суҳбати ҳамда мушоира ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, шоирлар Ахтамқули, Ойгул Суюндиқова, Гулбаҳор Саидғани ва бошқалар Ватан ва муҳаббат, нафосат, баҳор ҳақидаги шеърларидан ўқидилар. Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Бобур Ғиёсов бундай учрашувлар мухлислар учун эҳтиёжга айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ҳафталик мобайнида ёш ижодкорларнинг ишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Анжуман якунида иштирокчиларнинг йигирма икки нафари диплом, саккиз нафари бронза, саккиз нафари кумуш ва саккиз нафари олтин медаллар билан тақдирланди.

— Асарларимнинг олтин медалга муносиб кўрилганидан жуда бахтиёрман, —деди Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, ёш кулол Ғайрат Жўраев. — Менга билдирилган ишончни бор салоҳиятимни ишга солиб оқлашга ҳаракат қиламан. Келажакда миллий анъаналаримизга замонавий унсурларни омухта қилган ҳолда яратилган кулолчилик асарларим билан дунё кўргазмаларида қатнашиб, мустақил Ўзбекистонимиз санъатини жаҳонга намойиш қилиш ниятидаман.

Республика рассомлик коллежи талабаси Низомиддин Неъматов ҳам олтин медалга сазовор бўлди. " Бу мукофот менга катта масъулият юклайди, — деди Низомиддин. — Келажакда устозларим ишончини оқлашга, янада мукаммал асарлар яратишга ҳаракат қиламан. Мақсадим — рангтасвир йўналишида ўз услубимни топиб, халқимиз юрагидан жой оладиган асарлар яратишдир."

Ҳафталик Республика ихтисослашган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг байрам концерти билан якунланди.

**САРВАРА**

«Матбуот тарқатувчи» АК. – Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. тел: 234-85-99, 233-67-98

Адаб, одоб ва одам

# ОРАЛИҚДАГИ МАСОФА

Инсоннинг қачон, қаерда, қандай шароитда дунёга келиши ҳамда қачон ва қандай ҳолатда ҳаётдан кўз юмиши — тақдири азал. Умрни эса оралиқдаги масофага менгзаш мумкин. Бу масофани албатта ҳар ким ўзича босиб ўтади ва у қандай кечганига қараб инсонга баҳо берилади. Умр ("оралиқдаги масофа") ана шундай бебаҳо неъмат, Яратганнинг бандасига беназир инъоми. Уни нурли изларга йўғириш ҳам, ўкинч-изтироб ёки ҳеч вақосиз бўшлиққа айлантириш ҳам ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

Ёши қирқни қоралаб қолган йигит қора курсида ўтирибди. У укасининг тўйида ҳаддан ташқари кўп ичган. Давра тарқалгач, дастурхонни йиғиштираётган қариндошлари билан ўртада гапи қочган. Можарога нуроний онаси, жон-жигар укаси аралашган ва томонларни муросага келтиришга уринганлар. Ароқ олдин шер қилади, деганларидек у баттар жаҳлга минган. Ниҳоят, ғазаби хуруж қилиб, мастлигини юзига солган укаси кўксига кутилмаганда пичоқ санчган. Қонга беланган, ҳаёти учун хавфли жароҳат олган жон-жигари касалхонага етмаёқ, жон берган. Не-не яхши ниятда, қанчалик йиғиниб қилинган тўй азага айланган...

Суд залидаги айбланувчи ҳам, жабрланувчилар ҳам бир умр яхши-ёмон кунларда елкадош бўлган, бир дастурхондан туз тотиб яшаган кишилар. Қотилнинг боши хам. Назарини ердан узолмайди. Ўзига қаҳр-ғазаб, нафрат, надомат билан қадалган кўзларга қарашга юраги бетламайди.

— Пешонамда шу кўргилик бор экан, мени кечиринг, — деди узоқ муддатга ҳукм қилинган кимса ҳам ачингани, ҳам куйганидан юзларини ёш юваётган, мусибатга ботган онаизорига.

Хом сут эмган банда шу йўсин ўзининг тубанлигини оқлашга, қандайдир тасалли топишга уринди.

Аслида ҳам қотиллик азалдан унинг пешонасига битилганмиди? Бир қориндан талашиб тушган инисининг умрига зомин бўлиши қисматида бормиди? Жигаркуш деган тавқи-лаънатнинг манглайига муҳрланиши ҳам тақдирнинг ҳукми эдими? Йўқ! Бу бадмаст кимса укасининг маъракасида мезбонлик одобини сақлаши, хатти-ҳаракатининг оқибатини мушоҳада этолмайдиган даражада ичмаслиги, нафсини тийиши мумкин эди. Ахир, ҳеч ким ароқни бировнинг оғзига ёткизиб, мажбурлаб қуймайди-ку. Ёки ўртада келишмовчилик чиққанида Раҳмоннинг измига кириб, жаҳлини жиловлаганида ҳам шубҳасиз мудҳиш қотиллик юз бермаган бўларди. Афсуски, у "чирсиллаб турган учқунни ўчириш"ни эмас, тобора "аланга олдириш"ни танлади. Оқибатда қавм-қариндошларнинг эл олдида боши эгилди.

Яқинда яна бир воқеага гувоҳ бўлдим. Эндигина харид қилинган, ҳали давлат рақами ҳам олинмаган "Ласетти" тезлиги катталиги боис ўтиш жойида пиёдага йўл бериш учун тўхтаган "Жигули"ни урди. Орқада машиналар қаторлашди. "Жигули"нинг эгаси қалтираб-қақшаб машинадан тушди. "Ласетти" рулидаги нари борса йигирма ёшлардаги йигитчага: "Секинроқ ҳайдасанг, кўзингга қарасанг бўлмайдими", дея дашном бериб, қўл телефони орқали йўл назорати ходимларига хабар қилишга тутинди. "Қўйинг, келишайлик", деди йигитча жабрланувчига. "Жигули" эгасининг: "Буни тузатишга камида бир ярим миллион сўм керак", деганига жавобан "Ласетти"лик йигитча машинасидан шунча пулни олиб, унга тутқазди.

Тасаввур қилинг: бордию ҳаракатланиш жараёни бир дақиқа олдинга сурилганида "Жигули" ўтиб кетган, юқори тезликдаги "Ласетти" пиёдани уриб юборган бўларди. Ёки йигитча муайян оралиқ масофани сақлаганда, умуман авария юз бермаслиги мумкин эди.

— Машинани меҳнат қилиб олмаган-да, кўзига қараб ҳайдамайди. Ҳозиргина орқадан келаётиб фараларини тинимсиз ўчириб-ёқиб, мени қувиб ўтганди. Бундайлар албатта бир касофат орттиради, — деди воқеа гувоҳларидан бири.

— Муштдай бола ҳалол ишлаб, эллик миллионга машина олармиди? — Бир ярим миллионни узатаётганида кузатдим. Заррача ачинмади-я, — деди кимдир бош чайқаб.

Чиндан ҳам йигитчанинг ортида мўмайгина даромад топаётган, "сояи давлатимизда яйраб юрсин", қабилида фикрлайдиган ота-она тургани ҳеч қандай изоҳсиз равшан эди. "Навқирон ёшни шундай енгил-елпи, ҳавойи тарзда бошлаган фарзанд келгусида мудҳишроқ ҳодисаларни келтириб чиқармаслиги, ҳатто ўз умрига зомин бўлмаслиги ёки маишат гирдобига тушиб, нашавандга айланмаслигига ким кафолат беради? Ахир, ўзгалар ҳаётини заҳарлаш эвазига чўнтак қаппайтираётган гиёҳвандфурушларга ана шундай пулдор, ота-оналари талтайтириб қўйган "харидор-мижоз"лар керак-ку! Улар бундай эркатойларни гирдобга тортиш, қўлдан чиқариб юбормаслик учун турли ҳийла-найрангларни қўллаши сир эмас.

Фарзанди тарбиясида тузатилмас хатога йўл қўйган, охир-оқибат афсус-надоматдан ёқа йиртаётган ота-оналар орамизда йўқми? Ёки бунинг акси ўлароқ, фарзандининг илм олиши, меҳнатда чиниқиши, енгил-елпи davраларга қадам қўймаслиги йўлида қайғураётган, эртани ўйлаб фаҳм-фаросат билан иш тутаётган ота-оналар камми? Бундай тарбиядан бутун жамият манфаатдор. Бой-бадавлат ота-оналари ҳарчанд шароит яратиб бермасин, уни суиистеъмол қилмайдиган, одоб чегарасидан чиқмайдиган, бор имкониятдан камолотга эришиш йўлида фойдаланаётган ёшлар ҳам истаганча топилади.

Инсон орзу-истаклари рўёбга чиқиши муайян даражада уни қуршаб турган муҳитга, теварак-атрофдагиларнинг муносабатига ҳам боғлиқ. Лекин ўзимизга боғлиқ ҳақиқат ҳам бор: "оралиқ масофа" — умр қандай кечишини асосан ҳар бир шахснинг дунёқараши, ўз олдига қандай мақсад қўйиши ва унга эришиш йўлидаги ғайрат-шижоати белгилайди. Узоқни ўйлаган ҳалол раҳбар қўлидан иш келадиган, фидойи, интилувчан, меҳнатдан қочмайдиган кишини қўллаб-қувватлайди. Аксинча яшашга одатланган кимса эса бир куни албатта эл назаридан қолади. Бир кишини биламан. Хушмуомала, камтарин эди. Бошқалардан ёрдамини аямасди. Йиллар ўтган сари мансаб пиллапояларидан юқорилаб, ниҳоят катта ишлаб чиқариш корхонаси амалдори бўлди. Берилган кенг имкониятлардан фойдаланиб қўшимча ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хориждан дастгоҳлар келтириб ўрнатишига эришди. Одамлар ишонч билдириб маҳаллий кенгаш депутатлигига ҳам сайланди. Лекин кейинчалик ўзини сўзда фидойи, ташаббускор қилиб кўрсатгани ҳолда бошқаларни менсимайдиган, одамларни кимлигига қараб қабул қиладиган одат чиқарди. Ҳовли-ҳашамга зўр берди. Тўрт-беш лаганбардор билан савлат тўкиб юрадиган бўлди. Кўз ўнгимда у бутунлай бошқа кимсага айланди. Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, амал ёки бойлик бер, деган нақл бежиз айтилмаганига ишонч ҳосил қилдим. Кўп ўтмай қинғирлик йўлига киргани, жуда катта миқдорда мулкни ўзлаштиргани, жамоасидаги бир неча кишини жиноятга бошлагани учун узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Унинг "оёғи узангида"лик пайтида кўпчилик ҳурмат қиладиган фермер дўстимдан бир гап эшитгандим.

Амалдор қабулига кирган фермернинг саломлашиш учун узатган қўлини зўрға олиб, "сен"сираб гапирибди.

— Кечирасиз, ёшингиз неччида?—деб сўрабди амалдорнинг бундай муомаласи нафсониятига қаттиқ теккан дўстим.

Кутилмаган саволдан таажжубланган амалдор истар-истамас ёшини айтибди.

— Мендан саккиз ёш кичик экансиз. Акангиз қаториман, "сен"сираманг, — дебди фермер дўстим эътирозли оҳангда.

— Мен акамни, ҳатто отамниям "сен"сирайман. Одатим шунақа. Хафа бўлма, полвон, — дебди амалдор масхараомуз кулиб.

— Унда гап йўқ. Одамгарчиликдан бутунлай чиқиб кетган экансиз, — дебди дўстим ҳам заҳарханда жилмайиб.

Ишончим комилки, у билдирилган катта ишончни қадрлаганида, қонун барча учун баробарлигини вақтида англаб етганида таназзулга юз тутмасди. Кўриниб турибдики, ҳаётда қандай йўлдан бориш — "оралиқ масофа"дан қай йўсинда ўтиш унинг ўзига боғлиқ эди.

Замондошларимиз орасида умрнинг ҳар лаҳзасидан самарали фойдаланадиган, эзгу ниятларни дилига тугиб, саховатпешалик, одамларга яхшилик қилиш билан ўтказувчи инсонлар кўп. Улар турли соҳаларда кечаётган ислоҳот, яратувчилик жараёнларининг олд сафларида боришмоқда. Аммо, афсуски, бебаҳо умрни одамлар орасини бузиш, «оёғингиз узангида»лигида соянгизга салом бериб, ёнингизда тулкидай ялтоқланадиган, пана-пастқамда фисқу-фасодгўй нусхалар билан оғиз-бурун ўпишадиган, заволингизни кутадиган тоифалар ҳам бор. Кунларини шу тахлит кечириш ўрнига улар қалби пок инсонлар сингари умрларини ҳалолликка, яхши амалларга сарфлаганларида ишончим комилки, кўпроқ ижобий самарага эришган бўлардилар.

Бир донишманд кишининг куйиниб айтган гаплари эсимга тушади:

— Бугун сиз бир касбнинг бошида турибсиз. Тиним билманг, ёниқ қалб билан ишланг. Ҳар кунингиз самарали ўтсин. Одамлар сиздан рози бўлсин. Бир кун келиб "Эҳ, аттанг! Фалон ишни ўша вақтда қилсам бўларди-ку", деб, афсусланиб пешанангизга шапатиламанг. Унда кеч бўлади. Қандай ишлаётганингизни кўриб-билиб, шунга яраша баҳоингизни берадиганлар бор.

Сирасини айтганда, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятига шу нуқтаи назардан ёндашган тақдирда, шубҳасиз, кўзлаган марраларга тезроқ етиб, янада салмоқли натижаларни қўлга киритардик.

Ахир, биз бугун номларини эъзозлаётган боболаримиз шунчаки яшаганларида, нуқул ҳузур-ҳаловатларини ўйлаганларида катта-катта кашфиётлар юзага чиқармиди? Бой маънавий меросимизни жаҳонга кўз-кўз қилиб турган дурдона асарлар, нафис санъат намуналари, ноёб архитектура ёдгорликлари яратилармиди? Спорт соҳасидаги юксак натижалар қўлга киритилармиди? Ёшларимиз халқаро олимпиадаларда нуфузли ўринларни эгаллармиди?! Эришилган муваффақиятлар, қозонилган ғалабалар замирида қанчалик заҳматлар ётганини бир тасаввур этинг! Кўнгил мулкига айланган маънавий-маърифий, бадиий асарлар яратилгунча қанчалик қимматли вақт, кўз нури, ақл-идрок, билим ва маблағ сарфланишини ўйлаб кўрганмисиз?! Ўзгача йўл тутилганида, бугун биз ифтихор этаётган маънавий бойликлар яратилармиди?! Миллатини эмас, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаганида Ҳазрат Навоий даҳоси абадият касб этармиди? Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек сингари адиблар ўзларидан ўлмас, бетакрор адабий мерос қолдирармиди? Асарлари севиб ўқилаётган замондош адиблар ижод дардида заҳмат чекмаганларида, эл-юртнинг шу қадар юксак эъзозига мушарраф бўлишармиди?!

Узоққа бориб ўтирмайлик. Бухорои шарифда кейинги йилларда юз берган ва ўзимиз гувоҳ бўлган ўзгаришларни бир кўз олдингизга келтиринг. Тамомила янгича, замонавий кўриниш олган йўллар, таъмирланган ёдгорликлар, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган Маданий марказ... Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Улар замирида юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ободлиги йўлида ҳар қандай қийинчилик, муаммоларни енгиб ўтиш каби олижаноб фазилатлар мужассамлигини ким англамайди, дейсиз!

"Ҳар ким экканини ўради", деган пурмаъно ҳикмат бор. "Оралиқдаги масофа" мазмунини теран тушунган, эртасини ўйлаган, киши ортидан нурли излар қолаётганига имон келтириб, кўнгли тўқ яшайди. Замондошлари, келажак авлод кўзига тик, ёруғ юз билан қарай олади.

Истиқлолимизнинг қутлуғ 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Юртбошимиз қарори энг азиз байрамга ҳозирлик тадбирларига янада кўтаринки руҳ бағишлади. Қарорда таъкидланганидек, тарихан қисқа даврда жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир. Бу эътироф замирида, таъбир жоиз бўлса, "оралиқдаги масофа"ни яратиш, ортидан яхши ном қолдириш, эл-юрт маъмурчилиги, Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатиб яшаётган минглаб замондошларимиз жасорати ўз аксини топган.

**Оллоҳ берган ризқни қадрламас ким,**
**Ношукурлик бўлса турмуш, аъмоли.**
**Афсус, надоматда ёнади бир кун,**
**Бир куни тутади унинг уволи.**
**Умр ҳам ризқ эрур,**
**Бош-охири бор,**
**Уни қадрлаган етар камолга.**
**Вақтингни беҳуда ўтказма зинҳор,**
**Ғафлат босиб бир кун қолма уволга.**

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ**

Соғлигинг — бойлигинг

# БАҲОРГИ ТОЛИҚИШНИНГ ШИФОСИ

Баҳорда, одатда, одам янгидан куч-қувватга тўлгандай, ўзини бардам-бақувват сезгандай бўлади. Бироқ бу алдамчи ҳолат. Қиш "уйқу"сидан сўнг баҳор офтоби танимизни яйратиб, кўнгилни чароғон қилса-да, организмнинг ўзида табиатдаги жонланишга монанд жуда катта ўзгаришлар юз беради. Биоритмлар соҳасидаги сўнгги кашфиётлар ҳам буни тасдиқламоқда. Яъни айнан баҳор фаслида табиатдаги ўзгаришлар боис, янги об-ҳаво шароитларига мослашиш жараёни кечади. Кузги об-ҳаво ўзгаришлари инсон соғлигига у қадар салбий таъсир кўрсатмайди. Бироқ баҳорда организмда мавсумий биоритмлар фаоллиги сусаяди. Ана шу кучсизлик жараёни ҳамда об-ҳавонинг муайян даражада барқарор бўлмаслиги бир вақтга тўғри келиши боис "десинхроноз" (номутаносиблик) келиб чиқади. Уни табиий ҳолда юз берадиган баҳорги толиқиш, деб атасак тўғрироқ бўлади.

— Сурункали касалликлар айнан баҳорда хуруж қилиб қолади, — дейди тиббиёт бўйича шарҳловчи Т. Рессина. — Меъда-ичак хасталиклари ҳам шу пайтда ўзини намоён этади. Одатда, сустроқ сезила бошлайдиган янги хасталиклар баҳор пайти хуруж қилади. Инсулт ва инфарктнинг сони эса баҳорда икки баробар ошади. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак, бод, дамқисма, буйрак шамоллаши, қон босими хасталиклари бошланади ёки илгаридан мавжуд бўлса, қайта хуруж қилади. Қон босими ошадиган, юрак тез-тез урадиган, бош оғрийдиган бўлади... Кўпчилик, одатдаги ишини бажарган бўлса-да, айнан баҳорда, ишдан сўнг ўзида кучсизлик ва ҳорғинлик ҳис этади.

Айнан мана шулар баҳорги "десинхроноз" (номутаносиблик) сабабларидир. Бироқ шу чоққача шифокорлар бу ҳолни фақат баҳорда одам организмида дармондорилар камайиб кетишига боғлаб тушунтириб келдилар. Албатта, дармондори етишмовчилиги ҳам бир муаммо, бироқ асосийси эмас. Асосий сабаб организмнинг ички ритми билан табиатдаги геофизик ритмларнинг бир-бирига номувофиқ келишидир. Буни кўпчилик билади, лекин амалда ҳеч ким бу ҳақда гапирмайди. Агар шифокорлар бу ҳолга эътибор беришса, бемор мижозларининг баҳорги оғир даврни тезроқ ва самарали енгишига амалий ёрдам берган бўлур эдилар.

Биологик ритмларга доир таълимот илдизлари узоқ асрларга бориб боғланади, бироқ фаннинг бу йўналиши жадал ривожлана бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Эндиликда "хрономедицина", деб аталаётган тиббиёт соҳаси юзага келиб, унинг "хронофизиология", "хронопатология", "хронодиагностика", "хронотерапия" каби йўналишлари пайдо бўлди. Бироқ, афсуски, "хронотиббиёт" ҳануз соф фанлигича турибди. У кундалик ҳаёт тарзимизда жуда суст намоён бўлаётир. Ҳолбуки, биоритмлар билан инсон соғлиғи ўртасидаги боғлиқликни фан аллақачон асослаган. Биргина мисол. Ҳар бир ҳапдорининг, айниқса, гормонли препаратларнинг бемор организмига ижобий таъсир кўрсатадиган вақти (кеча ва кундузнинг муайян фурсати) мавжуд. Агар шифокорлар дори-дармонлар билан муолажа курсини тавсия этаётиб, бу ҳолни назарда тутганларида биз аллақачон истеъмол қилаётган жуда кўплаб ҳапдорилар сонини камайтирган бўлур эдик. Янги-янги препаратлар ишлаб чиқараётган доришунослик компаниялари ҳали-ҳануз бу йўналишда тадқиқот ишларини ҳам бошламаганлари ачинарли ҳол.

Табиат баҳор фаслида ёзга мослашиб борғани боис, ёруғлик, ҳарорат, Ернинг электромагнит қутбларидаги кучланишларда турли даражадаги тебранишлар юз беради. Баҳорда қор эриши билан ҳаводаги намлик даражаси алмашади. Инсон организми ҳам бу ҳолга мослаша бошлайди, яъни бутун эндокрин тизимида, сув-туз ва иссиқлик мувозанатида, иммунитетда, модда алмашинувида, умуман, бутун ҳаёт фаолиятида жиддий қайта қуриш жараёни кечади. Бу ҳазилакам куч-қувватни талаб этмайди.

Инсон организмининг мавсумга мослашиш жараёни кўзга кўринмайдиган тарзда кечади. Амалда эса, аъзои баданимиз худди трактор далани ағдаргандек оғир ишни бажаради. Бироқ кимдир буни сезмайди, кимнингдир камқувватликдан оёғида мадор қолмайди. Мавсумга мослашиш имкониятининг сабаблари турлича. Баҳорги номутаносибликни енгиш ва мавсумни соғлиққа зарар етказмай ўтказиш учун қуйидагиларга амал қилиш зарур.

**Кун тартиби.** Энг аввало, аниқ қилиб белгиланган кун тартибига риоя этиш зарур. Агар кимдир буни фаромуш этса, баҳорги катаклизмларни жуда оғир кечиради. Уйқу, овқатланиш, иш ва дам олиш бўйича белгиланган тартибга йилнинг бошқа фаслларида муайян соатларда, баҳорда эса ҳар дақиқасига қадар аниқ риоя этиш керак.

**Чиниқиш.** Организмни чиниқтириш фойдали эканини исбот қилиш шарт эмас. Шу нарса аниқки, ҳар томонлама чиниққан одам баҳорги толиқиш (десинхроноз-номутаносиблик) илк белги берган пайтданоқ уни енга бошлайди.

**Дармондори ва микроэлементлар.** Муҳимлиги жиҳатидан уларнинг кун тартиби ва чиниқишдан кейинги ўринда туриши бежиз эмас. Олимлар фикрига кўра, тараққий этган мамлакатларда ҳозир одам организмида дармондори етишмаслиги камдан-кам кузатилади. Статистик маълумотларда ҳам **В** ва **С** дармондорилари етишмаслиги ҳоллари жуда кам қайд этилади. Шунга қарамай, кимнингдир организмида кўклам чоғи дармондори етишмаслиги учраб туради. Уларда баҳорги толиқиш, сўзсиз, оғир кечади.

Соғлом ҳаёт шароитининг ана шу уч жиҳатига амал қилганлар, шубҳасиз, баҳорги толиқиш ҳолларини бемалол саломатликка зиён етказмасдан ўтказа оладилар.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Каттақўрғон шаҳар драма театри директори ўринбосари Абдуазиз Ҳошимовга турмуш ўртоғи

**Райҳон ҲОШИМОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Султонали Манноповга падари бузруквори

**АБДУМАННОП ҳожи ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Қамчибек Кенжага синглиси

**МАҲБУБАХОН**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"ШЧ" китоб жавонига

# УЛҒАЯЁТГАН ҲАНГОМА,

## бўй чўзаётган муаллиф

Ёзувчи, жиддий мулоҳазали публицист, бирор муаммо олдидан бепарво ўтиб кетолмайдиган куюнчак ижодкор Шодмон Отабек бундан анча йиллар аввал "Дўрмон ҳангомалари"ни эринмай тўплашга киришди, пишиқ-пухталарини газета-журналларда эълон қила бошлади. Вақти-соати келиб, ҳангомалар китоб ҳолида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Ўшанда адабиёт ихлосмандлари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби улкан адибларнинг нафаси, қутлуғ излари қолган ижод боғида туғилган ва ҳангоматалабларнинг мулкига айланиб кетган, ўзаги биттаю талқини минг хил латифаларни шунчаки нимтабассум билан кутиб олишгани сир эмас. Бунинг боиси, кўпчилигимиз устоз адиблар, машҳур санъаткорларнинг китобларга кирмаган ҳаёти, собиқ тузум мафкурасига мос тушмайдиган ажабтовур феъл-атвори, туриш-турмушларидаги ўзига хосликлар, ўзаро ҳазил-ҳузуллари ҳақида деярли ҳеч нима билмасдик. Улуғ ижодкорлар — расмий одамлар, ҳамиша жиддий юришади, фикр-мулоҳазалари ҳам жиддий, улар тўғрисида ҳазил-мутойиба гапларни гапириш, ёзиш, тарқатиш одобдан эмас, деб ўйлардик. Эркин Воҳидовнинг "Бир куни бозорда Ойбек домлани кабоб еб турганини кўриб қолиб, қўрққанимдан ўзимни четга олганман", деган гапларини эшитган бўлсангиз керак. Бошқа бир мухлис машҳур санъаткорни "Олой" бозорида картошкафуруш билан нарх масаласида тортишиб турганига гувоҳ бўлиб қолиб, ўзидан кетиб қолай деган экан. Шу боис кўплар Ғафур Ғуломнинг чойхонада соқийга "Дадилроқ қуймайсанми", дея танбеҳ беришини, Абдулла Қаҳҳорнинг чойнак қопқоғини чайиб чой ичишини, Ойбекнинг ўзини ўзи танимай қолишини, Миртемир домланинг "доза"сини оширворишини, Саид Аҳмаднинг хаёлга келмайдиган шумликларини тасаввур ҳам қилишмаган.




Кейин-кейин маълум бўлдики, катта ижодкорлар ҳам ўзимизга ўхшаган феъл-атворли, шўх-шинаванда, озроқ қитмир, озроқ ҳазилкаш, тўрттасининг боши қовушса, қаҳқаҳадан еру осмон ларзага келадиган, шундай қилишмаса, қаламлари бир жойда тақа-тақ тўхтаб қоладиган одамлар экан. Ўзлари кулиб, бошқаларнинг нимжон ичакларини узилгудай қилиб, ёзаётган асарларининг маъно-мазмунини пишитиб олишар экан бу қув ёзувчилар. Бу ҳам майли, баъзилари болалардай ишонувчан, мақтовни ёқтирадиган, сал нарсага аразлаб қоладиган ҳам бўлишаркан.

Ҳангомалар кейинчалик қайта нашр этилди. Озод Шарафиддиновдай унча-бунчани аяб ўтирмайдиган устоз кутилмаганда ҳангома тўпловчини мақтаб қолди, Эркин Воҳидовдай талабчан шоир китобга сўзбоши ёзиб берди. Натижада Шодмон Отабек ижодининг бу йўналишига муносабат бутунлай ўзгарди. Яхши томонга, албатта. Очиқ айтиш керак, бу вақтга келиб кўпчилигимиз бу қитмир жанр дунё адабиётини безаб, тўлдириб турган, ёзувчи ва китобхонни бир-бирига яқинлаштирадиган маънавий кўприк эканини, ижодкорни инсон сифатида тушуниш учун унинг ички дунёсига, ички кечинмаларига, туриш-турмушига, феъл-атворига ҳам ошкора-пинҳона назар ташлаб туриш зарурлигини Балзак, Бернард Шоу, Эмил Золя, Стефан Цвейг, Толстой, Пушкин, Лермонтов, Есенин каби даҳолар мисолида англаб етдик. Ижодкор дегани ҳам хом сут эмиб катта бўлган бир банда бўлар экан, одамларга хос паст-баландликлар бу тоифага бошқаларга нисбатан кўпроқ чирмашар экан.

Ҳангомаларнинг учинчи-тўртинчи нашрига келиб, Шодмонбекнинг ҳангома йиғиш, истеъмолга яроқлиларига тегишлича ишлов бериш, бадиий ифода либосини кийгизиш, лутфлардаги нозик қочиримлару халқимизга хос донишмандлик аломатларини сезиш ва англаш маҳорати ҳам анча пишиб етилди. Ҳазил-мутойиба оламига ўзи ғарқ бўлди, бу оламнинг бир илашса порошок билан ҳам ювиб кеткизиб бўлмайдиган хислатлари унга ҳам юқди, натижада унча-мунчага қоши "анжанча" чимирилмайдиган бир мулойим ҳолатга келди. Бундан-да муҳими, Шодмонбек кулгили ҳолатларни ёзишдан мақсад фақат кулдириш эмаслигини тушуниб етди. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, инжиқ муҳаррирларнинг инжиқлиги боис, муаллиф ҳам нашрдан нашрга улғайди, ижодий бўйи чўзилиб борди.

Ҳангома — кичик, пухта ва чийралган асар. Бугун, шукрки, маънавий ҳаётимизга китоб, китобхонлик қайтиб келди. Аммо китоб дўконлари пештахталарида кераклию кераксиз "асар"лар худди эрталабки наҳор ошга таклиф этилгану этилмаганлар бир сафда келишаётгандай, аралашиб кетди. Важоҳатидан от ҳуркадиган баъзи "китоб"ларда, таассуфки, нишонни бехато уришга қодир бир ҳангоманинг юкича ҳам маъно йўқ.

"Дўрмон ҳангомалари"нинг "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида чоп этилган, қайта ишланган ва тўлдирилган янги нашри шу жиҳатдан қараганда, яхлит бир асарга ўхшаб кетади. Янада қувонарлиси, бу нашр ҳам сўнгиси эмас, албатта. Ҳаёт давом этар экан, Шодмон Отабек Дўрмон боғини ва унинг атрофларини Шерлок Холмсдек кузатишда давом этар экан, китоб жавонларимиз ҳангомаларнинг янги, янада бой, таҳрири янада мукаммал нашрлари билан бойиши аниқ. Так что, "Ҳў биродар, секинроқ гапиринг, шу яқин атрофда Отабоев юрибди", дея қизиқ-қизиқ гапларни қулоққа шивирлаш мутлақо ўринсиз.

**Аҳмад ОҒА**


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 8943 Буюртма Г — 448. Ҳажми — 5 босма табоқ.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН